Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал

№4 / 2020

БПК

БОЗОР, ПУЛ ва КРЕДИТ

РЫНОК, ДЕНЬГИ и КРЕДИТ

Ежемесячный экономический научно-практический журнал

ISSN 2010-6580

Системный подход при разработке мер по смягчению последствий COVID-19 – необходимое условие для обеспечения экономического роста – стр. 12

2020

COVID-19 оқибатларини юмшатиш учун чора-тадбирларни ишлаб чиқишда тизимли ёндашув – иқтисодий ўсишни таъминлашнинг зарур шарти – 12-бет

MIKROKREDITBANK

Onlayn mikroqarzlarining foiz stavkasi

8 foizga kamaytirildi

Mikrokreditbank o‘z mijozlarining salomatligiga befarq bo‘lmagan holda Onlayn xizmat turlarini yanada takomillashtirishda davom etmoqda.

Endi Onlayn mikroqarzlar

yillik 24 foizdan ajratilmoqda.

Muddati: 3 oygacha

Tez, oson va xavfsiz shaklda

«MKB Mobile» ilovasi

orqali mikroqarz rasmiylashtiring!

Onlayn mikroqarz Mikrokreditbankning doimiy daromadiga va plastik kartasiga ega bo‘lgan mijozlariga ajratiladi.



«MKB Mobile» ilovasi:

Download on the App Store

Google play

Xizmatlar litsenziyalangan

www.mikrokreditbank.uz

Alisher Navoiy nomidagi ...ston MK БПК

Ассалому алайкум, азиз ўқувчи! Саломатмисиз? Кутилмаганда юртимизга ёпирилган бало – коронавирус пандемияси ортга чекина бошлади. Карантин чоралари аста-секин енгиллаштирилмоқда. Энг оғир синовлар даври ортда қолгани рост бўлсин!

Пандемия бутун дунёда одатий ҳаёт тарзи, иқтисодий муносабатлар, бизнес юритиш тартиб-таомилларини мутлақо ўзгартириб юборди. Ташқи сиёсат бобида давлатлараро муносабатлар қай даражада самимий эканлиги, ҳукуматларнинг турли вазиятларда аҳолини фалокатлардан муҳофаза қила олиш қобилияти, соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолати, аҳолининг иқтисодий жиҳатдан заиф қатлами ижтимоий ҳимояси кафолатланганлиги даражаси ҳаётий синовдан ўтмоқда.

Пандемиядан кейинги ҳаёт умуман бошқача бўлишига энди ҳеч кимда шубҳа қолмади. Айрим бизнес йўналишлари инқирозга юз тутиши, баъзилари эса, аксинча, тез суръатлар билан ривож топиши тахмин қилинмоқда.

...Мана шундай мураккаб ва синовли дамларда биз улуғ ва меҳнаткаш халқимизнинг қудрати, ақл-заковати ва сабр-матонати, меҳр-оқибати ва самимияти билан ушбу оғир синовларни ҳам, албатта, енгиб ўтамиз.

Шавкат Мирзиёев.

«Уйда қолинг!» шиори остида ўтказилган кучайтирилган карантин тадбирлари рақамли технологияларни зудлик билан

Воҳид Умиров,
«Бозор, пул ва кредит» журнали бош муҳаррири

ривожлантириш лозимлиги, тадбиркорликни онлайн тарзда амалга ошириш мумкинлиги ва у самарали йўл эканлигини тасдиқлади.

Ўзбекча айтганда, йўғон чўзиладиган, ингичка узиладиган айни вақтда мамлакатимизда солиқ тўловлари бўйича таътиллар эълон қилингани, кредитларни сўндириш муддатлари чўзилгани, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 1 фоиз бандга пасайтирилгани, тижорат банклари учун мажбурий захира талаблари сусайтирилгани, аҳолининг заиф қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари кўрилаётгани иқтисодиётимиз ва мамлакатимиз аҳолисининг пандемия асоратларидан тезроқ чиқиб, бир маромдаги ҳаёт тарзига тушиб олиши учун берилган имкониятдир.

Биз ҳам журналимизнинг кейинги сонларида иқтисодиёт ва молия соҳасида юз бераётган ўзгаришлар, янги трендлар, соҳа мутахассисларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан Сизларни таништириб боришга ҳаракат қиламиз.

Сиз билан ҳамкорлик қилишга доим тайёрмиз. Фикр-мулоҳазаларингизни, доимгидек, **info@bpk.uz** электрон почта манзилимиз ёки **@bpk.uz.ru** Facebook ижтимоий тармоғидаги каналимизга юборишингиз мумкин.

Contents

April №4 (275), 2020 year

CORPORATE GOVERNANCE

4 ***N. Khazratqulov***
Prospects of development of corporate governance system in the activity of commercial banks of our country

PANDEMIC AND ECONOMIC GROWTH

12 ***S. Voronin, U. Narzullaeva***
A systematic approach to the development of measures to mitigate the consequences of COVID-19 is a necessary condition for ensuring economic growth

13 The post-pandemic world: 12 predictions from 12 economists, political scientists, medical workers and diplomats

ACCOUNTING POLICY

34 ***A. Turaev, F. Kenjaeva***
Procedure for development and presentation of accounting policy in Non-governmental Non-profit organizations

MACROECONOMIC INDICATORS

43 ***F. Izzatullaev***
Barukh Rotshild. Poverty reduction. "My district. My region. Our Uzbekistan" project

MIGRATION AND MONEY

52 ***D. Djumonov***
Influence of money transfers on the economy of donor countries

STOCK EXCHANGE AND SECURITIES MARKET

60 ***G. Baqoeva***
Problems in the activity of the stock exchange in Uzbekistan and the role of banks in the securities market

FINANCIAL LITERACY

70 The post-pandemic world: six books on how to do business in a crisis

МУАССИС ВА ҲАМКОРЛАРИМИЗ:
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Агробанк, Асакабанк, Алоқабанк, Капиталбанк, Микрокредитбанк, Савдогарбанк, ТИФ Миллий банки, Туронбанк, Трастбанк, Халқ банки, Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк, Ипотекабанк, Ипак йўли банки

ТАҲРИР КЕНГАШИ:
М.Б. НУРМУРАТОВ
(кенгаш раиси),
Б.Э. ЗАХИДОВ,
О.А. БУТАЕВ,
Р.О. ОХУНОВ
(кенгаш котиби),
С.С. АННАКЛИЧЕВ,
К.Н. ИРИСБЕКОВА,
А.Қ. МИРСОАТОВ,
Ч.С. МИРЗАЕВ,
С.Р. НОРМУХАМЕДОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Директор:
Г.Н. БЕЗГИН
Бош муҳаррир:
В.С. УМИРОВ
Масъул котиб:
Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ
Реклама ва маркетинг хизмати раҳбари:
Ғ.Н. ҲАНДАМОВ
Тел.: (+998)71-291-60-20,
(+998)97-752-44-77

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,
Тошкент ш., Толлимаржон кўч., 1/1-уй.
http://www.bpk.uz/
e-mail: info@bpk.uz

Материаллар кўчириб босилаётганда журналдан олингани кўрсатилиши шарт. Юборилган қўлёзмаларни тақриз қилиш ва қайтариб юборишни таҳририят ўз зиммасига олмайди.

Журналнинг обуна индекси: 853
ISSN 2010-6580
Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида 2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.
Гувоҳнома рақами: 0058
Теришга берилди: 06.04.2020 й.
Босишга рухсат этилди: 24.04.2020 й.
Бичими: 60x90/8.
Офсет босма усулида чоп этилди.
Шартли босма табоғи: 9.0.
Буюртма № 15. Адади: 1470.
«SILVER STAR PRINT» МЧЖда чоп этилди (Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 17-уй).
Баҳоси шартнома асосида.

Ушбу нашр «Afrosiyob» тезюрар поездларида тарқатилади.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни чоп этмоқчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда қуйидаги манзилга юборинг: **info@bpk.uz**

Таҳририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга талаблар билан журналимизнинг www.bpk.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.

Эслатма: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва боғланиш телефонларини аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги аннотациясини юборишлари шарт.

БПК
БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ

Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал

1996 йил сентябрдан нашр этилмоқда

4/2020

Апрель (275)

БУ СОНДА
В НОМЕРЕ

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

4 ***Н. Ҳазратқулов***
Мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш истиқболлари

ПАНДЕМИЯ И ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ / ПАНДЕМИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

12 ***С. Воронин, У. Нарзуллаева***
Системный подход при разработке мер по смягчению последствий COVID-19 – необходимое условие для обеспечения экономического роста

13 Пандемиядан кейинги дунё: 12 нафар иқтисодчи, сиёсатшунос, медицина ходимлари ва дипломатлардан 12 башорат

ҲИСОБ СИЁСАТИ

34 ***А. Тўраев, Ф. Кенжаева***
Нодавлат нотижорат ташкилотларида ҳисоб сиёсатини тузиш ва тақдим этиш тартиби

МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ

43 ***Ф. Иззатуллаев***
Барух Ротшильд. Снижение уровня бедности. Проект «Мой район. Моя область. Наш Узбекистан»

МИГРАЦИЯ И ДЕНЬГИ

52 ***Д. Джумонов***
Влияние денежных переводов на экономику стран-доноров

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

60 ***Г. Бақоева***
Ўзбекистон Республикаси фонд биржаси фаолиятида мавжуд муаммолар ва қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг ўрни

МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК

70 Пандемиядан кейинги дунё: инқироз шароитида бизнесни қандай олиб боришга оид олтита китоб

МАМЛАКАТИМИЗ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ниёз Ҳазраткулов,
«Туронбанк» АТБ Гулистон филиали бошқарувчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

Мамлакатимиз банк тизимида корпоратив бошқарувнинг мақсадли даражаларига эришишда инновацияларни ишлаб чиқиш ва уларни иқтисодиётнинг реал секторига татбиқ қилиш муҳим омил ҳисобланади. Корпоратив бошқарув муаммоси вужудга келишининг асосий сабаби мулкка эгалик қилиш ва уни бевосита бошқариш вазифаларининг бир-биридан ажратилиши билан боғлиқ. Банк тизимидаги мулкчиликнинг муҳим ва ўзига хос хусусияти бўлмиш янги даражадаги корпоратив маданиятнинг шакллантирилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб ўтилган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли институционал ислоҳотлар доирасида молия секторининг барқарорлигини, унинг глобал молия тизимига интеграциялашувини таъминлаш, банк хизматларининг сифатини ва улардан фойдаланиш имкониятларини, биринчи навбатда хусусий бизнес ва аҳоли учун ошириш чоралари кўрилмоқда. Давлат улушига эга бўлган тижорат банкларида замонавий корпоратив бошқарув тамойиллари, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, фаолият самарадорлиги ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш орқали уларнинг шаклини ўзгартириш борасидаги ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Банк секторини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар илғор халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда банк соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш асосида тижорат банклари ходимларининг билими ва малакасини оширишни тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, банк секторини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар илғор халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда банк соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш асосида тижорат банклари ходимларининг билими ва малакасини оширишни тақозо этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам ушбу масалага алоҳида



эътибор берилди. Жумладан, «Давлат улушига эга бўлган банклар босқичма-босқич стратегик инвесторларга сотилади. Банк соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат. Соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш мақсадида Банк-молия академияси хорижий мутахассислар билан биргаликда тўлиқ қайта ташкил этилади. Шунингдек, давлат банкларида замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларини жорий этиш учун раҳбарлик лавозимларига хорижий етакчи молия институтларининг малакали мутахассисларини жалб этиш бошланди ва бу жараён изчил давом этади.

Мурожаатномада таъкидланганидек, банкларимиз устав капиталида давлат улушини босқичма-босқич камайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, банкларимизнинг инвестицион жозибадорлигини янада ошириш келгусида мамлакатимиз банк тизими олдида турган устувор вазифалардан саналади.

Корпоратив менежментнинг кенг ёйилиши, шу жумладан банк соҳасига кириб келиши жаҳон иқтисодий равнақи XXI аср бошига келиб ҳўжалик юритувчи субъектларнинг корпоратив асосда интеграциялашуви фаоллашгани билан боғлиқ. Бунинг сабаби банкларнинг аввало маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва сотиш харажатларини пасайтириш, олинаётган фойдани кўпайтириш, сармояларнинг даромадлилигини ошириш, миллий ва халқаро бозорларда ўз рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга интилиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги пайтда корпоратив бошқарув муаммоси оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Бу биринчи навбатда акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини назарда тутади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, корпоратив бошқарув масаласи кўпчилик инвесторлар учун мамла-

Корпоратив менежментнинг кенг ёйилиши, шу жумладан банк соҳасига кириб келиши жаҳон иқтисодий равнақи XXI аср бошига келиб ҳўжалик юритувчи субъектларнинг корпоратив асосда интеграциялашуви фаоллашгани билан боғлиқ. Бунинг сабаби банкларнинг аввало маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва сотиш харажатларини пасайтириш, олинаётган фойдани кўпайтириш, сармояларнинг даромадлилигини ошириш, миллий ва халқаро бозорларда ўз рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга интилиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги пайтда корпоратив бошқарув муаммоси оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Бу биринчи навбатда акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини назарда тутади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, корпоратив бошқарув масаласи кўпчилик инвесторлар учун мамлакатимизга йирик капитал олиб кириш юзасидан қарор қабул қилишда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

катимизга йирик капитал олиб кириш юзасидан қарор қабул қилишда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунга келиб корпоратив бошқарув ва унинг самарадорлигини ошириш борасида иқтисодчи олимлар томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Рус иқтисодчи олимларидан И.А. Храброванинг фикрича, «Корпоратив бошқарув – эътироф этилган мақсаддан келиб чиқиб бизнесни ташкилий-ҳуқуқий расмийлаштириш, ташкилий тузилмани оптималлаштириш ҳамда компаниянинг ички муносабатларини яратишдир[1]».

Бошқа бир иқтисодчи олим С. Карнаухов ўз илмий изланишларида корпоратив бошқарувга қуйидагича таъриф беради: «Корпоратив бошқарув – маълум стратегик самаралар йиғиндисидир[2]».

Ўзбекистонлик иқтисодчилар томонидан ҳам корпоратив бошқарувга бир қатор таърифлар берилган. Жумладан, Ш.Зайнутдинов, Д.Рахимовалар томонидан берилган таърифга кўра, «Корпоратив бошқарув – манфаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргаликдаги ҳаракатларидир[3]».

Мамлакатимизда корпоратив бошқарув соҳасида чуқур изланишлар олиб борган етакчи олимлардан М.Б. Хамидулин: «Корпоратив бошқарув – корпорация мулкдорларининг корпорация капиталини шакллантиришга, ундан фойда олиш мақсадида янада самарали фойдаланишга ҳамда олинган даромадларни корпоратив муносабатларнинг барча иштирокчилари ўртасида адолатли тақсимлашга қаратилган стратегик муҳим қарорларни белгилаш, таърифлаш ва қабул қилишга доимий ва реал таъсирини таъминлашдаги онгли, бевосита иштирокидир»[4] деган таърифни келтириб ўтган.

Иқтисодчи олим Б. Беркинов ўз фикрини қуйидагича баён этади: «Корпоратив бошқарув тизими – бу мураккаб, тез ўзгарувчан механизм бўлиб, у бир-бирига боғлиқ кўплаб ташкил этувчилар, жумладан, қонунчилик, қонуности ҳужжатлари ҳамда корпорацияни мулкдорлар, бошқарувчилар ва кредиторлар томонидан назорат қилишнинг ички механизми ҳисобланувчи ички меъёрий ҳужжатлар мажмуини ўз ичига олади»[5].

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимини ташкил этиш ҳамда ушбу тизимни такомиллаштириш йўлларини ўрганиш муҳим вазифалардан бири саналади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 603та акциядорлик жамияти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 486тасида давлат улуши 52 триллион сўмни ташкил этмоқда. Ёқилғи-энергетика, нефть-газ, кимё, транспорт ва банк соҳаларида давлат иштироки юқори даражада сақланиб қолаётгани уларни бозор механизмлари асосида ривожлантириш, инвестициялар жалб этишга тўсқинлик қилмоқда[6].

---

[1] *Храброва И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. – М.: 2000. – С. 198.*

[2] *Карнаухов С. Эффективность корпоративных структур//Риск. – М.: 2004. – №1-2, – С. 4.*

[3] *Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари. – Т.: Академия, 2007. – 48-бет.*

[4] *Хамидулин М.Б. Финансовые механизмы корпоративного управления. Монография. – Т.: Молия, 2008. – С. 204.*

[5] *Беркинов Б. Корпоративные структуры (Основы создания и управления). – Т.: Изд-во Нац. б-ки Узбекистана им. А. Навои, 2005. – С. 132.*

[6] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан. 2018 йил 28 декабрь (ЎзА).*

Замонавий бозор иқтисодиёти ва менежментнинг умумий қоидаларини ўзида акс эттириш, хўжалик юритишнинг турли мулкчилик шакллари пайдо бўлиши ва, айниқса, жаҳонда долзарблигини намоён этаётган молиявий бозорларнинг янги қирралари корпоратив бошқарувни тадқиқ этишда ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармони ва «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли Қарорларининг қабул қилиниши мамлакатимиз тижорат банкларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш борасидаги муҳим қадамлардан бўлди.

Айнан Президентимиз томонидан корпоратив бошқарув тизимини ўрганишга алоҳида эътибор берилиши республикамиз тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини ошириш ҳамда корпоратив бошқарувни халқаро талаблар асосида самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришни заруратга айлантирмоқда.

Замонавий бозор иқтисодиёти ва менежментнинг умумий қоидаларини ўзида акс эттириш, хўжалик юритишнинг турли мулкчилик шакллари пайдо бўлиши ва, айниқса, жаҳонда долзарблигини намоён этаётган молиявий бозорларнинг янги қирралари корпоратив бошқарувни тадқиқ этишда ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. Акциядорлик жамиятларининг асосий фаолияти маълум товарлар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга қаратилган бўлса-да, унинг активлари молиявий бозорларда, айнан акциялар ва бошқа қимматли қоғозларда акс этиши ҳамда унинг асосий фаолиятига таъсир этиши ҳозирги корпоратив бошқарувдаги энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Тадқиқотларга кўра, акцияга ҳам мулк сифатида қараш унинг олди-сотди жараёнида товар сифатида иштирок этиши, қиймати ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг таҳлилини талаб этади. Умуман, мулк сифатида акцияларнинг уч хил хусусиятини кўриш мумкин:

1. Эгалик қилиш. Бунда акция эгаси шу корхонанинг эгаси эканлигини ҳис қилиши ва унинг бошқарувида иштирок этиши.

2. Дивиденд олиш. Бунда мулк эгаси сифатида акциядорлик жамиятида яратилган қийматдан улуш олиш ва уни мустақил тасарруф этиш.

3. Айтиш мумкинки, ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда акцияларнинг олди-сотди жараёнидаги фарқлардан олинадиган фойда авж олиб

Жадвал

Корпоратив муносабатлар иштирокчиларининг вазифа ва манфаатлари

Корпоратив муносабатлар иштирокчилари гуруҳи	Вазифалари	Манфаатлари
Акциядорлар	Корпорация инвесторлари ҳисобланади	Дивиденд олиш ҳамда сотиш зарур бўлган ҳолатда акцияларнинг юқори курсидан манфаатдор
Ёлланма менежерлар	Менежментнинг барча асосий функцияларини амалга оширади	Компания ҳамда унда ўзларининг шахсий мавқелари мустаҳкам бўлишидан манфаатдор
Компания ходимлари	Компаниянинг барча ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини бевосита амалга оширади	Компания ҳамда унда ўзларининг шахсий мавқелари мустаҳкам бўлишидан манфаатдор
Давлат бошқарув органлари	Корпоратив муносабатларнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини шакллантиради	Компанияларнинг барқарорлиги, уларнинг солиқ тўлаш ҳамда иш ўринларини яратишга лаёқатли бўлишидан манфаатдор
Кредиторлар	Компанияларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва бошқа фаолиятларини молиялаштиришда иштирок этади	Компанияларнинг барқарорлиги, уларнинг олинган маблағлар ҳамда шартномада кўзда тутилган фоизларни қайтаришга лаёқатли бўлишидан манфаатдор

Манба: *М.М. Ташходжаев. «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг назарий-услубий жиҳатлари». «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. №4, 2012 йил май.*

бормоқда. Яъни бу хусусияти орқали акциядорлик жамиятларининг айрим акциядорлари шу акцияларга эгалик қилиш, унинг бошқарувида иштирок этиш ёки дивиденд олиш хусусиятларидан кўра кунлик фарқлардан даромад олишга эришишга эътиборни кучайтирмоқдалар.

Жаҳон моливий-иқтисодий инқирозининг асосий сабабларидан бири сифатида ҳам айнан шу корпоратив қимматли қоғозларнинг спекульятив бозори рағбатлантирилиши таъкидланмоқда. Бу эса корпоратив бошқарув ва қимматли қоғозлар эгаларининг мулклари юзасидан янги тартиб-қоида ва механизмларни талаб этмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув орқали эгалик қилиш ва бошқарув функцияларининг ажратилиши кузатилади. Унга кўра:

- ўз мулкининг жорий бошқарувида шахсан қатнашишдан ўз хоҳиши билан воз кечган мулкдорлар (акциядорлар);
- жамият мулкига эгалик қилмайдиган ва бегона мулкни бошқарадиган ёлланма менежерлар;
- мулкдорлар (акциядорлар) жамият мулкининг эмас, балки ўз ҳиссасининг (акция, улуш) эгаси ҳисобланади;
- жамият мулкининг эгаси – ҳуқуқий шахс бўлган акциядорлик жамиятининг ўзи ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларининг ушбу жиҳатларини тадқиқ этиш билан бирга, айтиш керакки, бошқарув жараёнида давлат, манфаатдор томонлар ва ишчи ходимларнинг манфаатлари ҳам ҳисобга олиниши корпоратив бошқарувнинг янада мураккаб томонларини тадқиқ этишни талаб қилади.

Ўзбекистон банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида тижорат банкларининг ҳалқаро молия бозорларидаги мавқеи мустаҳкамланиб, уларнинг рақобатбардошлиги ортмоқда. Тижорат банкларининг фаолиятида рискларни бошқариш тизими ва стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга оширишни назорат қилиш, банк кенгашининг ролини ошириш ва қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини такомиллаштириш талаб этилади. Бунга эса бевосита тижорат банкларида корпоратив бошқарув шаклини кенг жорий қилиш орқали эришиш мумкин. Шунингдек, банкларнинг мустақил ривожланиши ва ресурсларни самарали бошқариши уларда банк менежменти сифатини оширишни талаб этади ва бу ҳам корпоратив бошқарув билан боғлиқ.

Корпоратив бошқарув тушунчаси 1970 йилларнинг охирида АҚШда қўлланилган. Бунинг сабаби, ўша пайтларда АҚШдаги йирик компаниялар ва фирмалар сиёсий партияларни молиялаштириш ва коррупциянинг ривожланиши натижасида мулкни бошқаришнинг жамоавий шаклига ўтишга мажбур бўлган.

Назарий жиҳатдан корпоратив бошқариш деганда банкларнинг акциядорлик жамоавий шаклида бошқарилиши тушунилади. Лекин баъзи ҳолларда унинг моҳияти турлича талқин қилиниши ҳолларига дуч келиш мумкин. Масалан, баъзи олимлар корпоратив бошқарув деганда банк томонидан бажариладиган операцияларни бошқариш тизимини тушунса, бош-

қалари эса банк ресурсларини бошқариш, деб тушунишади. Корпоратив бошқариш кенгроқ тушунча бўлиб, бунда банкни ички ва ташқи омиллар тўлиқ ҳисобга олинган ҳолда бошқариш тизими назарда тутилади.

Фикримизча, тижорат банкларида корпоратив бошқарув – акциядорлик мулкчилик шакли асосида банклар фаолиятини тактик ва стратегик бошқариш тизимидир.

Ўзбекистон молия бозорида банк фаолиятини амалга ошириб келаётган тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизими фаолиятининг самараси қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- бошқарув органлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ички меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилганлиги ва уларга амал қилиниши, устав, кенгаш низоми, бошқарув низоми, тафтиш комиссияси низоми, кенгаш таркибида ташкил қилинган қўмиталар низомлари ва бошқа муҳим низомлар шулар жумласидандир;
- Базель қўмитасининг «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тамойиллари» тўғрисидаги тавсияларидан келиб чиқиб, тижорат банкларида манфаатлар тўқнашувини тартибга соладиган қоида ҳамда корпоратив бошқарув кодекси ва унинг тамойиллари ишлаб чиқилганлиги;
- банк Кенгашининг банк фаолиятидаги масъулияти, кенгаш таркибида малакали аъзолар бўлиши, корпоратив бошқарув тизими самарали фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги, бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида тақдим этиладиган ҳисобот (маълумотлар)нинг тўғрилиги ва шаффофлиги, акциядорлар (шу жумладан, миноритар акциядорлар), омонатчиларнинг манфаатлари ҳимояланганлиги даражаси;
- банк Бошқаруви аъзолари, раҳбар ходимлар ва бошқа ходимлар малакали ва тажрибали бўлиши, қарор қабул қилишда банк ва омонатчиларнинг манфаатларини инобатга олиши, пруденциал талабларни оғишмай бажариши;
- рискларни аниқлаш, мониторинг ва назорат қилишда кенгаш таркибида қўмита ташкил этилганлиги, унинг рискларни бошқаришдаги самарали фаолияти;
- Банк фаолиятини олиб боришда меъёрий-ҳуқуқий

Назарий жиҳатдан корпоратив бошқариш деганда банкларнинг акциядорлик жамоавий шаклида бошқарилиши тушунилади. Лекин баъзи ҳолларда унинг моҳияти турлича талқин қилиниши ҳолларига дуч келиш мумкин. Масалан, баъзи олимлар корпоратив бошқарув деганда банк томонидан бажариладиган операцияларни бошқариш тизимини тушунса, бошқалари эса банк ресурсларини бошқариш, деб тушунишади.

ҳужжатларга амал қилиниши ва фаолият натижалари юзасидан молиявий ҳисоботлар ўз вақтида ва тўғри тақдим этилиши.

Мамлакатимиз тижорат банкларида корпоратив бошқарувни жорий қилиш хусусиятлари ва амалиёти таҳлил қилинганда қуйидаги йўналишларда муаммо ва камчиликлар мавжуд эканлигини кўриш мумкин:

- корпоратив бошқарувга оид ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш. Ушбу йўналишда мамлакатимизда банкларнинг корпоратив бошқарувини жорий этиш ва ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда тижорат банкларида корпоратив бошқарув тамойилларини қўллаш масалалари халқаро стандартлардан келиб чиқиб акс эттирилмаган ва тўлиқ мувофиқлаштирилмаган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда банкларнинг корпоратив бошқарувига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар халқаро талаблар асосида такомиллашмаганлиги тижорат банклари уставлари ва ички ҳужжатларида корпоратив бошқарувнинг самарали усуллари белгиланмаслигига сабаб бўлмоқда;

- банкнинг миноритар акциядорлари ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши йўналишидаги нуқсонлар. Банк акциядорлари корпоратив бошқарувнинг асосий иштирокчилари ҳисобланганлиги боис, банк кенгаши ва бошқаруви ходимлари банк фаолиятини олиб боришда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказмасликлари лозим бўлади. Амалдаги қонун ҳужжатларида банк чиқарган акцияларнинг 10 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган акциядор йирик акциядор деб эътироф этилган, лекин миноритар акциядорларнинг ҳуқуқий мақоми ва банк акциядорларининг рўйхатдан ўтган реестрига кўра миноритар акциядорларнинг ҳиссасига тўғри келадиган улуши аниқ белгиланмаган;

- кузатув кенгаши фаолияти. Тижорат банкларида кузатув кенгаши банк фаолиятига масъулият билан ёндашмаётганлиги, кенгаш томонидан корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларидан самарали фойдаланилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмаётганлиги ҳамда кенгаш қошида ташкил этиладиган қўмиталар фаолиятида сезиларли даражадаги муаммолар мавжудлиги

Мамлакатимиз банк тизимида корпоратив бошқарув тамойиллари тўла-тўкис жорий этилиши учун халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг инвестиция жараёнларида ҳамда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда кенг иштирокини таъминлаш тақозо этилади.

натижасида тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг сифатли ва самарали фаолиятига эришиш қийин кечади.

Мамлакатимиз банк тизимида корпоратив бошқарув тамойиллари тўла-тўкис жорий этилиши учун халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг инвестиция жараёнларида ҳамда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда кенг иштирокини таъминлаш тақозо этилади.

Корпоратив бошқарув тизимидаги мавжуд камчилик ва муаммолардан келиб чиқиб ҳамда халқаро тажриба ва талабларни инобатга олиб, мамлакатимиз тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги хулоса ва таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Банкларда корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш мақсадида дастлаб унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим. Бунда банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талаблари ва бу соҳада катта тажриба тўпланган хориж амалиётида самарали бўлган тизим ва усулларни тадқиқ этиш йўли билан «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув кодекси (низом)»ни ишлаб чиқиш талаб этилади. Ушбу ҳужжат шуниси билан аҳамиятли ҳисобланадики, у ҳар бир тижорат банкида корпоратив бошқарув самарали ташкил этилиши ва корпоратив маданият шакллантирилиши учун бир хил талаблар бажарилиши ҳамда мазкур ҳужжатга мувофиқ барча банклар ўз ички корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқиб, амал қилиши лозимлигини таъминлайди.

2. Банкларда миноритар акциядорларнинг манфаатларини таъминлаш ва ролини ошириш борасида қонун ҳужжатларида уларнинг ҳуқуқий мақоми ва миноритар акциядорларнинг ҳиссасига тўғри келадиган уставдаги улуши аниқ белгиланиши.

3. Банк кузатув кенгаши аъзоларига тайинланадиган шахсларга бўлган талаблар белгиланиши ҳамда кузатув кенгаши таркибига мустақил тажрибали мутахассислар аъзо сифатида жалб этилиши.

4. Банк фаолиятида кузатув кенгашининг банкнинг молиявий барқарорлиги ва самарадорлиги бўйича масъулиятини кучайтиришга қаратилган меъёрий талаблар ишлаб чиқилиши.

5. Тижорат банкларида корпоратив котиб ёки корпоратив котиблик хизмати жорий этилиши лозим. Шу билан бирга, банкларда корпоратив котиб лавозимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда вазифа ва ваколатларини белгилаб берувчи алоҳида низом ишлаб чиқилиши тақозо этилади.

6. Тижорат банкларининг корпоратив бошқарув тизимини халқаро ёки миллий рейтинг кўрсаткичлари асосида баҳолаш амалиёти кенг жорий этилиши.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий модернизациялашув жараёнида акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилган тижорат банкларида самарали корпоратив бошқарув услуб ва тамойиллари ҳалқаро андозаларга мувофиқ жорий этилиши ўз навбатида банкларнинг юқори рейтинг даражаларини қўлга киритиш, банкларга потенциал инвесторлар жалб қилинишида рақобатли кураш муҳитини яратиш, банк фаолиятидаги таваккалчиликларни тўғри бошқариш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва қонуний манфаатлари таъминланишини кучайтириш, фойда олишнинг кафолатланганлигини таъминлаш, бошқарув қарорлари қабул қилинишида ахборот шаффофлиги таъминланишига эришиш ҳамда молиявий инқирозларнинг олди олинишига хизмат қилади.

ABSTRACTS

PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM IN THE ACTIVITY OF COMMERCIAL BANKS OF OUR COUNTRY

This article analyzes the important issues of developing innovations in the introduction of corporate governance in the banking system of the country and their application to the real sector of the economy. According to the author, the main reason for the problem of corporate governance is related to the separation of ownership and direct management functions. The article pays special attention to the formation of a new level of corporate culture, which is an important and unique feature of ownership in the banking system.

СИСТЕМНЫЙ ПОДХОД ПРИ РАЗРАБОТКЕ МЕР ПО СМЯГЧЕНИЮ ПОСЛЕДСТВИЙ COVID-19 – НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

Сергей Воронин,
д.э.н., главный специалист,
Умидахон Нарзуллаева,
специалист 1 категории,
Институт бюджетно-налоговых исследований при Министерстве финансов Республики Узбекистан

Широкое распространение коронавирусной инфекции COVID-19 приводит к ухудшению социально-экономической обстановки практически во всех странах мира. Для Узбекистана действие данного фактора не стало исключением и создало серьезную угрозу для поддержания устойчивого развития национальной экономики.

В связи с этим максимальная локализация распространения болезни, ее сдерживание в настоящее время приобретают особое социально-экономическое значение. Понимание важности решения этой задачи привело к принятию чрезвычайных мер по ограничению передвижения людей, введению ограничений на осуществление производственно-хозяйственной и иной деятельности, что вызвало приостановку деятельности многих секторов экономики. Данные меры характерны для большинства стран, столкнувшихся с негативными последствиями пандемии (США, Китай, Италия, Германия, Республика Корея, Российская Федерация и другие).

Важными являются проблемы, связанные с лечением зараженных граждан, проведением профилактических работ, оказанием мер поддержки бизнесу, населению, финансовому сектору, а также различным секторам экономики, наиболее существенно пострадавшим от пандемии.

Не менее важными являются проблемы, связанные с лечением зараженных граждан, проведением профилактических работ, оказанием мер поддержки бизнесу, населению, финансовому сектору, а также различным секторам экономики, наиболее существенно пострадавшим от пандемии.

В статье приводятся информационные и аналитические материалы, характеризующие особенности развития ситуации с распространением коронавирусной инфекции в различных странах мира, включая Республику Узбекистан.

Рассмотрены приоритеты правительства Узбекистана в сфере реализации экономических мер по смягчению последствий от COVID-19, инструменты поддержки населения, бизнеса и финансового сектора, которые реализуются с первого случая обнаружения вируса до 14 апреля текущего года. Обоснованы предложения по сдерживанию распространения инфекции и смягчению ее последствий для экономики, бизнеса и населения.

РАЗВИТИЕ СИТУАЦИИ С РАСПРОСТРАНЕНИЕМ COVID-19 В МИРЕ И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

В конце декабря 2019 г. в китайском Ухане была зафиксирована вспышка нового типа коронавируса COVID-19, которая заставила мир резко изменить свое отношение к проводимой социально-экономической политике. По данным ВОЗ, уже на 27 февраля о случаях заражения коронавирусом проинформировали 46 стран мира[1]. Число подтвержденных случаев заражения за пределами материкового Китая достигло 3664 человек, и на основе этого ВОЗ признала вспышку чрезвычайной ситуацией.

Анализ изменения эпидемиологической ситуации с COVID-19 по 11 странам мира за период с даты фиксирования первых случаев заболевания до 14 апреля т.г. свидетельствует о следующих тенденциях:

- за исследуемый период количество подтвержденных случаев в целом в мире составило 1 939 809, из которых в Китае – 82 249 (4,2%), Узбекистане – 1 113 (0,057%), Казахстане – 1 202 (0,06%), Российской Федерации – 21 102 (1,1%), Испании – 172 541 (9,0%), Италии – 159 515 (8,2%) случаев[2];
- многочисленные новые случаи выявления этой болезни на 14 апреля были зафиксированы во Франции (4 188), Турции (4 093), Италии (3 153);
- большое количество летальных исходов за исследуемый период было зафиксировано в Италии (20 465), Испании (18 056), Франции (14 967).

На первый взгляд, создается впечатление, что в Узбекистане по этим показателям ситуация выглядит довольно неплохо. Однако необходимо учесть, что в республике по состоянию на 14 апреля удалось провести 70 тысяч тестов на обнаружение коронавируса, что в 7,5 раза меньше, чем

Фото: УзА.

[1] *https://www.interfax.ru/world/697010.*

[2] *Данные Всемирной организации здравоохранения.*

ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДУНЁ: 12 НАФАР ИҚТИСОДЧИ, СИЁСАТШУНОС, МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ ВА ДИПЛОМАТЛАРДАН 12 БАШОРАТ

Коронавирус пандемияси дунёни абадий ўзгартиради. Бизни аниқ нима кутмоқда? Foreign Policy[1] дунёнинг 12 етакчиси – иқтисодчилар, сиёсатшунослар, соғлиқни сақлаш, халқаро ишлар бўйича экспертлар ва ҳарбийлар билан суҳбатлашди, уларнинг ҳар бири воқеаларнинг ривожланиши ҳақида ўз башоратларини айтиб ўтди.

Биз эндигина англаяпмизки, Берлин деворининг қулаши ёки Lehman Brothers инвестиция банкининг коллапси сингари, коронавирус пандемияси дунё тузилишини ларзага соладиган воқеа бўлади. Бир нарса аниқ: коронавирус ҳаётларни барбод қилгандай, бозорларни бузгандай ва давлат бошқарув органларининг лаёқати (ёки уларнинг йўқлиги)ни жамоатчиликка кўрсатгандай, инфекция сиёсий ва иқтисодий кучлар ўртасидаги мувозанатни ўзгартиради.

Бизни аниқ нима кутмоқда ва нима учун, деган саволларга Американинг нуфузли Foreign Policy журналида

[1] *https://foreignpolicy.com/2020/03/20/world-order-after-coroanvirus-pandemic/.*

(Давоми 14-бетда).

(Давоми. Бошланиши 13-бетда).

ўтказилган сўровномада 12 нафар мутахассис ўз фикрини билдирди.

ДУНЁ ОЛДИНГИДАЙ ОЧИҚ, ГУЛЛАБ-ЯШНАГАН ВА ЭРКИН БЎЛМАЙДИ

Стивен Уолт – Гарвард университетининг халқаро алоқалар бўйича профессори:

– Пандемия давлатни мустаҳкамлайди ва миллатчиликни кучайтиради. Барча турдаги ҳукуматлар инқирозни бартараф этиш учун фавқулодда чораларни кўрадилар ва уларнинг аксарияти инқироз тугаганидан сўнг янги ваколатлардан воз кечишни истамайдилар.

Шунингдек, COVID-19 Шарқнинг мустаҳкамланишини ва Ғарбнинг заифлашишини тезлаштиради. Бошидаги бир қатор хатоларидан тўғри хулоса чиқариб, Жанубий Корея ва Сингапур юқумли касалликка қарши курашишда ҳаммадан самарали иш олиб борди, Хитой ҳам яхши ишлади. Шу билан бирга, Европа ва Америкада кўрилган чоралар тизимсизлиги ва кечиктирилганлиги туфайли, бу Ғарбнинг обрў-эътибори янада пасайишига олиб келади.

Аслида дунё сиёсатининг тубдан зиддиятли моҳияти ўзгармайди. Олдинги пандемиялар – шу жумладан 1918–1919 йиллардаги «испанка» ҳам – буюк давлатлар ўртасидаги рақобатни тўхтатмади. Ҳозирги пандемия ҳам бундай бўлмайди.

По рейтингу ВОЗ, по возможностям предотвращения эпидемии Узбекистан имеет 34,5 балла, в то время как в мире этот показатель составляет 40,2, в Казахстане – 40,7, России – 44,3, Китае – 48,2, Италии – 56,2, Испании – 65,9.

в Германии; в 2 раза меньше, чем в Казахстане; 4 раза меньше, чем в России. Имеется большая вероятность того, что среди населения находится определенное количество граждан, являющихся носителями данного вируса.

Если рассматривать изменение эпидемиологической ситуации по исследуемым странам на 30-ый день со дня выявления первого случая заболевания, то можно увидеть следующие моменты:

- наиболее быстрое распространение инфекции в течение месяца произошло в Китае (75 077), Турции (42 282), Италии (1 128), Узбекистане (998). На 100 тысяч чел. это составит, соответственно, 5, 51, 2 и 3 случая;
- больше всего вылечились в течение 30 дней после выявления первого случая болезни в Китае (18 014), Турции (2142), Узбекистане (85), Италии (46) . На каждые 100 тысяч чел. вылечились в Китае – 1,2; Турции – 2,6; Узбекистане – 0,3; Италии – 0,3 человека.

Сопоставление уровня расходов на здравоохранение в исследуемых странах свидетельствует о следующем:

- в целом в мире на эту сферу экономики расходуется около 10% от ВВП, в том числе в Японии, Германии и Франции – около 11%, Испании, Италии и Корее – около 8-9%, Турции, Китае и России – в пределах 4-5%, а в Узбекистане – 6,4% от ВВП;
- если рассматривать расходы на здравоохранение на душу населения, то в Узбекистане данный показатель находится на уровне около $99, что значительно меньше, чем в других исследуемых странах (в Германии – $5 033,5, Китае – $440,8);
- на каждые 1000 чел. приходится больничных коек в Узбекистане – 4,0 ед., Италии – 3,4, Испании – 3,0, Турции – 2,7, России – 8,2, Китае – 4,2, Японии – 13,4;
- по рейтингу ВОЗ, по возможностям предотвращения эпидемии Узбекистан имеет 34,5 балла, в то время как в мире этот показатель составляет 40,2, в Казахстане – 40,7, России – 44,3, Китае – 48,2, Италии – 56,2, Испании – 65,9. По другим показателям этого рейтинга Узбекистан имеет следующие уровни: выявление инфекции – 19,4, система реагирования – 27,8, система здравоохранения – 28,0 балла (100 баллов – максимальный уровень).

По мнению директора-распорядителя МВФ Кристалины Георгиевой, «необходимо готовиться к неблагоприятному сценарию развития событий и не стоит ожидать

скорой ликвидации последствий коронавируса для мировой экономики». Об этом она сказала во время выступления перед участниками встречи министров финансов и глав центробанков стран G20, которая прошла 26 марта 2020 года в режиме видеоконференции.

«Я докладывала G20, что даже в случае быстрого купирования вируса это скажется на [экономическом] росте в мире и Китае. Естественно, мы все надеемся на резкое и быстрое восстановление, однако, учитывая нынешнюю неопределенность, гораздо более мудрым решением стала бы подготовка к наименее благоприятным сценариям»[3], – процитировала ее выступление пресс-служба МВФ.

Директор-распорядитель МФВ предложила помощь в противодействии распространению коронавируса за счет средств, которые предназначены для ликвидации последствий крупных катастроф.

В январе текущего года МВФ предполагал, что мировая экономика в 2020 году вырастет на 3,3%, по сравнению с прошлым годом. Но коронавирус заставил пересмотреть прогнозы в связи со снижением деловой активности в Китае и других странах.

Первоначально МВФ допускало два варианта развития мировой экономики из-за вспышки нового заболевания. При первом, базовом варианте, эксперты надеются, что с эпидемией удастся справиться ко второму кварталу 2020 года и экономика Китая вернется к нормальному состоянию. В этом случае прогноз годового роста мировой экономики составляет 3,2%. Этому варианту не суждено было сбыться.

МВФ рассматривает и самые худшие сценарии, при которых вирус продолжит распространяться по всему миру и последствия для роста будут более затяжными.

Как отмечают эксперты нового доклада МВФ, опубликованного в апреле 2020 г., человечество столкнулось с беспрецедентной для нашего поколения ситуацией и пока невозможно точно предсказать, каковы будут ее экономические последствия. Они зависят от многих факторов, в том числе от успеха в области разработки вакцины и эффективного лечения коронавирусной инфекции. Многие страны переживают сегодня не только кризисную ситуацию в сфере

Как отмечают эксперты нового доклада МВФ, опубликованного в апреле 2020 г., человечество столкнулось с беспрецедентной для нашего поколения ситуацией и пока невозможно точно предсказать, каковы будут ее экономические последствия.

[3] *https://iz.ru/980096/2020-02-25/v-mvf-rasskazali-o-posledstviiakh-koronavirusa-dlia-mirovoi-ekonomiki.*

латлар ўртасидаги адоватни тўхтата олмади ва глобал ҳамкорликнинг янги даври бошланишига олиб келмади. COVID-19 ҳам бунга олиб келмайди. Фуқаролар ўзини ҳимоя қилиш учун миллий ҳукуматларга мурожаат қилишади, давлатлар ва корхоналар улардаги бор бўлган заифликларни ёпиш йўлларини излаш натижасида кейинчалик биз гиперглобаллашувнинг рад этилишини кўрамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, COVID-19 туфайли дунё олдингидай очиқ, гуллаб-яшнаган ва эркин бўлмайди. Бундай бўлиши шарт эмас, аммо ўлимга олиб келадиган вируснинг комбинацияси, етарли даражада режалаштиришни билмайдиган ва қобилиятсиз раҳбар ва етакчилар инсониятни шу йўлга йўналтиради.

ОДАТИЙ БЎЛГАН ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ТУГАШИ

Робин Ниблетт – Британия Қироллик ташқи алоқалар институти директори:

– Коронавирус пандемияси иқтисодий глобаллашув туясининг белини синдириб ташлайдиган бир дона соманга айланиши мумкин.

Эксперты МВФ поддерживают меры по сокращению темпов заболеваемости коронавирусной инфекцией, считая, что они впоследствии позволят возобновить экономическую активность. В настоящее время специалисты рекомендуют помочь людям пережить кризис посредством программ социальной поддержки и предоставления отсрочки выплат по кредитам. Сразу после снятия ограничений необходимо стимулировать потребительскую активность и создать условия для трудоустройства[25].

Действительно, большинство стран мира столкнулись с негативными последствиями коронавирусной инфекции и на протяжении последних двух месяцев их правительства принимают меры по их смягчению.

Меры, принятые правительствами многих стран мира для сдерживания распространения коронавирусной инфекции и смягчения негативных последствий для экономики, бизнеса, населения и финансового сектора, имеют схожие признаки.

В целях выявления одинаковых и специфических мер, принятых в борьбе с последствиями с коронавирусом, нами были исследованы страны ЕАЭС (Российская Федерация, Казахстан, Республика Беларусь, Армения и Кыргызстан). Это связано с тем, что с этими странами у Узбекистана в последние годы развиваются тесные взаимовыгодные отношения. Тем более, что Узбекистан рассматривает возможность поэтапного вступления в данную организацию.

За основу был выбран метод классификации мер, который используется МВФ при проведении анализа различных вариантов политики государств. В соответствии с данным подходом все меры группируются в двух колонках: «ликвидность» и «платежеспособность».

Бенефициарии (пользователи) используемых мер были распределены на следующие группы: Население (1), Предприятия, бизнес и поддержка занятости (2) и Финансовый сектор (3).

Сопоставление мер, принятых правительствами стран ЕАЭС для сдерживания эпидемии и смягчения ее последствий, позволяет создать общую модель наиболее часто встречающихся мер и механизмов реагирования на последствия коронавируса (Таблица 2).

В вышеперечисленных странах распространение коронавируса находится под контролем государства, а не хаотично, как например, в Италии, Испании, США и других государствах (уровень заболеваемости и летальности – низкий). Система здравоохранения в этих государствах

[25] *https://news.un.org/ru/story/2020/04/1376072.*

полностью справляется с наплывом больных и обеспечивает их лечение. В связи с этим меры, используемые в этих странах, могут быть с успехом применены и в Республике Узбекистан. Так как процесс распространения пандемии пока еще продолжается, то и меры, которые могут быть приняты в Узбекистане, а также в других странах, могут меняться в зависимости от изменения ситуации.

ВЫВОДЫ И РЕКОМЕНДАЦИИ ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА

Изучение ситуации с распространением коронавирусной инфекции COVID-19 и принятыми мерами по смягчению ее последствий для экономики, бизнеса и населения свидетельствует о следующем.

Анализ изменения эпидемиологической ситуации с COVID-19 по 11 странам мира за период с фиксирования первых случаев заболевания до 14 апреля т.г. показывает, что количество подтвержденных случаев в целом в мире составило 1 939 809, из которых в Китае – 4,2%, Узбекистане – 0,057%, Казахстане – 0,06%, Российской Федерации – 1,1%, Испании – 9,0%, Италии – 8,2%.

Если рассматривать изменение эпидемиологической ситуации по этим странам на 30-ый день со дня выявления первого случая заболевания, то можно увидеть, что:

- наиболее быстрое распространение инфекции в течение месяца произошло в Китае (75 077), Турции (42 282), Италии (1128), Узбекистане (998). На 100 тысяч чел. это составит, соответственно, 5, 51, 2 и 3 случая;
- больше всего вылечились в Китае (18 014), Турции (2142), Узбекистане (85), Италии (46). На каждые 100 тысяч чел. вылечились в Китае – 1,2, Турции – 2,6, Узбекистане – 0,3, Италии – 0,3 чел.;
- больше всего летальных исходов от этой болезни произошло в Китае (2 238), Турции (908), Италии (29). На каждые 100 тысяч подтвержденных случаев заболевания приходится случаев летального исхода в Китае – 0,2, Турции – 1,1, Италии – 0,05, Узбекистане – 0,01 случаев.

Можно сказать, что Правительству Узбекистана в резуль-

Фото: УзА

– АҚШ бундан буён ўз ҳукумати томонидан тор даражада тушуниладиган миллий манфаатлар ва ўта суст тайёргарлик даражаси сабабли халқаро етакчи сифатидаги мавқеини бой беради. Агар халқаро ташкилотлар инфекция тўғрисида тезроқ ва тўлиқ маълумотларни тақдим этишганда, бу пандемиянинг глобал таъсирини юмшатиши мумкин эди, ҳукуматларга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва зарур бўлган жойга ресурсларини йўналтиришга имкон берган бўлар эди. Буларни АҚШ, фақат ўз манфаатларига таянмаслигини намойиш этган ҳолда ташкил қилиши мумкин эди. Вашингтон етакчилик синовидан ўта олмади ва дунё учун бу янги синов бўлади.

ҲАР БИР МАМЛАКАТДА ИНСОНИЙЛИК РУҲИНИНГ КУЧИНИ КЎРЯПМИЗ

Николас Бернс –Кеннеди номидаги Гарвард бошқарув мактаби профессори ва собиқ АҚШ Давлат департаменти давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари:

– COVID-19 пандемияси асримизнинг энг катта глобал инқирозидир. Унинг чуқурлиги ва миқёси ақл бовар қилмас даражада. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги инқироз Ер юзидаги 7,8 миллиард одамнинг ҳар бирига таҳдид солмоқда.

(Давоми 30-бетда).

(Давоми. Бошланиши 13–29-бетларда).

Бунинг оқибатлари 2008–2009 йиллардаги Буюк рецессия даврига қараганда жиддийроқ бўлиши мумкин. Ҳар бир инқироз ўз-ўзидан сейсмик таъсирланиш бўлиб, халқаро тизимни ва кучлар мувозанатини бутунлай ўзгартиради.

Бугунги кунга қадар халқаро ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаган эди. Агар дунёдаги энг қудратли икки давлат – АҚШ ва Хитой ўзаро айбловлар оқимини тўхтата олмаса ва муаммони самарали ҳал эта билмаса, иккала давлатга бўлган ишончга ҳам путур етиши мумкин. Агар Европа Иттифоқи ўзининг 500 миллион фуқаросига ёрдам бера олмаса, миллий ҳукуматлар Брюссель ваколатларининг бир қисмини қайтариб олишларини тахмин қилса бўлади. АҚШда федерал ҳукуматнинг инқирозга қарши самарали чораларни ишлаб чиқиш қобилияти шубҳа остида қолмоқда.

Шунга қарамасдан, ҳар бир мамлакатда инсонийликнинг кўплаб мисолларини кўрмоқдамиз: шифокорлар, ҳамширалар, сиёсий раҳбарлар ва оддий фуқаролар қатъиятни, самарадорликни ва етакчиликни намойиш этмоқдалар. Бу бутун дунёда инсонлар пандемияни енга олишларига умид уйғотади.

Инновация бўлими томонидан тайёрланган.

тате принятия соответствующих мер в целом удалось поставить ситуацию с распространением инфекции под контроль государства.

Однако необходимо учесть, что в республике на эту дату удалось провести 212 тестов на каждые 100 тысяч чел., что в 7,5 раза меньше, чем в Германии, в 2 раза – чем в Казахстане, в 4 раза – чем в России. Имеется вероятность того, что среди населения республики есть значительное количество граждан, являющихся носителями данного вируса или заболевшие в легкой форме.

Расходы на здравоохранение в мире составляют около 10% от ВВП, в том числе в Японии, Германии и Франции – около 11%, Испании, Италии и Корее – около 8-9%, Турции, Китае и России – в пределах 4-5%, а в Узбекистане – 6,4% от ВВП%.

По рейтингу ВОЗ по возможностям предотвращения эпидемии Узбекистан имеет 34,5 балла, в то время как в мире этот показатель составляет 40,2, в Казахстане – 40,7, России – 44,3, Китае – 48,2, Италии – 56,2, Испании – 65,9. В рейтинге возможностей выявления инфекции Узбекистан имеет 19,4 баллов, реагирования – 27,8, здравоохранения – 28,0 балла из 100 максимальных баллов.

Таким образом, результаты анализа свидетельствуют об опасности распространяющейся эпидемии и необходимости использования системного подхода к ее сдерживанию и сокращению негативных последствий для экономики, бизнеса и населения. Это напрямую относится и к ситуации в Республике Узбекистан, где несмотря на реализуемые меры по сдерживанию распространения коронавируса (введение режима карантина и самоизоляции населения), эпидемиологическая ситуация остается неоднозначной.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев, выступая на видеоселекторном совещании отметил, что «в нынешних условиях промышленные предприятия, предприниматели и экспортеры ждут от нас конкретных и эффективных мер. Поэтому создание резервов для возмещения возможных экономических потерь и обеспечение макроэкономической стабильности должны быть главной задачей правительства»[26].

В целях создания эффективного механизма сдерживания инфекций необходимо кардинально улучшить уровень финансирования системы здравоохранения независимо от имеющегося фискального пространства. Для этого необходимо провести оптимизацию бюджетных расходов, приостановить реализацию второстепенных проектов и программ. При необходимости можно привлечь внешнее финансирование и запросить донорскую поддержку.

Правительству следует оказать максимальную поддержку двигателям роста и восстановления экономики, смягчить негативное влияние коронавируса и принятых ограничительных мер на сектора экономики, наиболее сильно пострадавшие от COVID-19. Проведение фискальной политики должно обеспечивать социальную безопасность в обществе и

[26] *Определены меры по поддержке отраслей экономики (https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=1081).*

Таблица 2

Общие и специфические меры сдерживания негативных последствий COVID-19, принятые в странах ЕАЭС (Россия, Казахстан, Кыргызстан, Беларусь, Армения)

Одинаковые (типичные) меры	Специфические меры
1. Сдерживание распространения коронавируса и поддержка лиц, находящихся на карантине, а также больных коронавирусом	
• объявление режима чрезвычайной ситуации (Кыргызстан 22.03.20; Казахстан 15.03.20; Армения 16.03.20); • приостановление воздушного, автомобильного и железнодорожного сообщения со всеми странами; • введение карантина для граждан, прибывших из других стран, а также лиц, которые контактировали с инфицированными	• выделено из госбюджета на профилактику, контроль и лечение от коронавирусной инфекции 121 175,4 тыс. драмов или $245 тыс. (Армения); • направлено на поддержку экономики из-за эпидемиологической ситуации 110 млн. рублей или $42,7 млн. (Республика Беларусь)
• обеспечение населения средствами защиты (одноразовыми масками, гигиеническими средствами) и установление норм их реализации	• принятие закона об онлайн-контроле в целях отслеживания местонахождения и выявления телефонных звонков граждан в условиях объявленного из-за коронавируса чрезвычайного положения (Армения)
• аккумулирование средств для проведения мероприятий по борьбе с коронавирусной инфекцией и их распределение по утвержденным направлениям	• Международный валютный фонд (МВФ) одобрил выделение помощи в виде $120,9 млн. (Кыргызстан)
• в случае заболевания или смерти медработника от коронавирусной инфекции предоставление единовременных социальных выплат из госбюджета; • дополнительные выплаты медицинским работникам за сверхурочную и опасную работу	• выделено на борьбу с коронавирусной инфекцией более 1,2% ВВП (Россия); • финансирование за счет госбюджета расходов, связанных с мероприятиями по предупреждению завоза и распространения инфекции, вызванной коронавирусом, в размере 2,3 млн. рублей или $893 тыс. (Республика Беларусь)
2. Поддержка экономики и финансового сектора	
• формирование финансового резерва	• рассматривается возможность выделения $900 млн. из МВФ (Республика Беларусь)
• предоставление налоговых льгот для индивидуальных предпринимателей, работающих в общеустановленном порядке налогообложения	• выделено на поддержку граждан и экономики 293,3 млрд. тенге (Казахстан)
• введение льгот по налогу на имущество юридических лиц и налогу с индивидуальных предпринимателей по крупным торговым объектам, торгово-развлекательным центрам, кинозалам, театрам	• введены временные ограничения на объявление государственных закупок товаров, работ и услуг, за исключением необходимых для поддержания здоровья граждан и общественной безопасности (Кыргызстан)
• создание гарантийного фонда для реструктуризации кредитов компаний, пострадавших от пандемии	• унифицируется конечная ставка кредита на уровне 6% и бизнес будет пользоваться льготными мерами поддержки действующих госпрограмм (Казахстан)
	• Правительством выделена дотация в размере 33,4 млрд. рублей 77 регионам (Россия)
3. Поддержка бизнеса и занятости населения	
• предоставление отсрочки по уплате задолженности по налогам и социальным отчислениям; • продление сроков сдачи налоговой декларации физических лиц и индивидуальных предпринимателей	• на период до 1 октября 2020 года установлена ставка НДС в размере 8% при совершении оборотов по социально значимым продовольственным товарам (Казахстан)
• не применение налоговых санкций и пени за несвоевременное исполнение налоговых обязательств	• на период до 31 декабря 2020 года освобождены от уплаты акцизов производители подакцизных товаров (Казахстан)
• временный запрет на проведение процедур банкротства предприятий; • предоставлены беспроцентные кредиты на выплату заработной платы функционирующих предприятий и приостановивших свою деятельность	• продлены сроки сдачи отчетов субъектами бизнеса по налогам и социальным отчислениям до 1 июля 2020 года, при условии своевременной оплаты платежей (Кыргызстан); • услуги по выдаче сертификатов о форс-мажорных обстоятельствах стали бесплатными для бизнеса (Россия)
• продление срока моратория на проверки контролирующими органами и ограничение выездных налоговых проверок	• расширено кредитование от 400 млрд. тенге до 1 трлн. тенге для снижения импортозависимости и обеспечения продовольственной безопасности (Казахстан)
• предоставление хозяйствующим субъектам отсрочки по платежам за аренду государственного имущества	• принята «Дорожная карта занятости» для обеспечения стабильности на рынке труда, общее финансирование которой составит 300 млрд. тенге (Казахстан)
4. Поддержка населения (малообеспеченных, безработных и др. иждивенцев)	
• предоставление бесплатных продуктово-бытовых наборов многодетным семьям, инвалидам и другим социально уязвимых группам населения	• выделено 10 тыс. тонн муки из Фонда матрезервов (Кыргызстан)
• утверждение перечня социально значимых товаров, по которому вводится государственное регулирование цен	• установлены ежемесячные выплаты на детей в возрасте от 3 до 7 лет; • с 1 апреля имеющим право на маткапитал семьям с ребенком до трех лет должны начать дополнительно выплачивать по 5 тыс. рублей (Россия)
• временный запрет на вывоз продуктов в третьи страны	• установлены ежемесячные выплаты лицам, лишившимся доходов в связи с введением чрезвычайного положения, в размере 1 МЗП 42 500 тенге (Казахстан)
• не начисление штрафных санкций и пени за неуплату платежей за коммунальные услуги (электроэнергию, воду, газ, вывоз мусора, услуги связи, интернет и др.)	• принят пакет мер помощи гражданам, потерявшим работу в условиях чрезвычайного положения из-за коронавируса, включая: а) первая мера касается граждан или физ.лиц, которые были заняты в частном секторе с 1 января по 13 марта, уволенных в период с 13 по 30 марта. Помощь предполагает единовременную выплату в размере минимальной зарплаты – 68 тыс. драмов (около $140). Помощь не будет дана тем, чья двухмесячная зарплата превысила 500 тыс. драмов (более $1 тыс.); б) вторая мера предполагает выплату единовременного пособия в 100 тыс. драмов ($200) безработным беременным женщинам, чьи мужья потеряли работу в период с 13 по 30 марта и не переходили на другую работу (Армения)

Источник: *подготовлено авторами.*

Фото: УзА.

одновременно предоставлять временное и целевое освобождение от отдельных налогов, предоставление субсидий и трансфертов бизнесу и населению. Денежно-кредитная и фискальная политика должны обеспечить удовлетворение потребностей субъектов хозяйствования и населения в ликвидности, платежеспособности при сохранении финансовой устойчивости экономики.

Заглядывая в будущее, необходимо поставить экономику на путь устойчивого роста, восстанавливая доверие граждан к эффективности используемых инструментов макрорегулирования, избегая чрезмерного протекционизма, предоставляя широкую финансовую поддержку там, где это необходимо больше всего. Государственная поддержка должна быть прекращена только тогда, когда восстановление экономики пойдет полным ходом.

Учитывая, что режим карантина и самоизоляции в Узбекистане продлен до 10 мая т.г., то на эти две недели необходимо поставить конкретные задачи, которые необходимо выполнить, определить механизмы для их решения, а также разработать ряд стратегий в зависимости от изменения эпидемиологической обстановки. За эти две недели карантина и самоизоляции населения необходимо создать почву для последующего быстрого восстановления экономического роста, активизации производственно-хозяйственной деятельности предприятий, развития строительства и сферы услуг, а также других секторов национальной экономики.

На наш взгляд, в период до 10 мая т.г., следует усилить контроль за соблюдением требований карантина и самоизоляции населения (в тех населенных пунктах, в которых сложилась наиболее неблагополучная ситуация), обеспечить ввод в действие дополнительных клиник для больных COVID-19, расширить тестирование граждан на наличие вируса (имеющих симптомы этой болезни), создать условия для оперативного и качественного лечения больных. Одновременно принять дополнительные меры для поддержки наиболее уязвимых групп населения, а также граждан, пострадавших от пандемии и введения ограничительных мер (малообеспеченные, безработные, семьи с маленькими детьми, пенсионеры, инвалиды, ветераны и др.). Выявить всех лиц, которые имеют тяжелые хронические заболевания и низкий иммунитет от коронавируса (проводить постоянный мониторинг изменения их состояния здоровья).

В то же время, необходимо улучшать условия для расширения производства товаров первой необходимости (продовольствие, средства гигиены, защитные маски и т.д.), субъектов, оказывающих коммунальные и другие жизненно важные услуги населению, стратегическим предприятиям с непрерывным производственным циклом и другим субъектам.

Уже сейчас можно выдать разрешение на деятельность в тех сферах экономики, в которых уровень заражения вирусом является минимальным (строительство, крупные производственные предприятия с наличием служб охраны труда, коммерческие банки, автобусные перевозки, такси). Работники этих сфер должны соблюдать главные правила гигиены и безопасности труда.

Учитывая, что инициатором введения ограничительных мер в экономике является Правительство, то в краткосрочной перспективе, в особенности на ближайшие 2 недели продолжения режима карантина и самоизоляции целесообразно:

- разрешить отсрочку оплаты коммунальных услуг для населения в связи с временной потерей работы и дохода;
- повысить эффективность регулирования цен на социально значимые товары и продукты, не допуская их роста;
- запретить операторам связи отключать телефонную связь и интернет даже при минусовом балансе;

- предоставить отсрочки платежей по арендной плате для юридических лиц, использующих государственное имущество;
- предоставить пособие в размере 1 оклада для временно безработного населения, а также предоставить дополнительные средства другим наиболее уязвимым слоям населения;
- выплатить двойную пенсию в мае месяце в честь праздника Памяти и почестей.
- открыть индивидуальные пластиковые карты и загрузить на них адресную социальную помощь в размере 1 МРОТ для самозанятого населения.

После 10 мая (срок возможной отмены карантина) можно будет уже изменить стратегию и тактику борьбы с распространением эпидемии и последствиями коронавируса (с учетом анализа эпидемиологической обстановки). Существенно ослабить ограничительные меры по передвижению граждан, но одновременно создать условия для оперативного тестирования лиц, у которых появляются симптомы болезни, а также обеспечить их изоляцию и качественное лечение в специализированных действующих и новых больницах. При этом предоставить право пожилым людям, хроническим больным, ветеранам и другим ослабленным лицам с низким иммунитетом пройти профилактическое обследование в клиниках, свободных от COVID-19 (в течение 21 дня).

При реализации предлагаемого подхода подавляющая часть населения, имеющая хороший иммунитет, перенесет данную болезнь без симптомов или в «слабой форме», как обычную ОРВИ или грипп, получив иммунитет к этому вирусу (в домашних условиях под контролем лечащего врача или в стационаре). Лица, имеющие невысокий иммунитет, в случае заболевания получат лечение в специализированных клиниках. Лица с хроническими заболеваниями и люди преклонного возраста будут оставаться дома в полной изоляции (от физического контакта) или находиться в специализированных клиниках для лечения хронических болезней.

В случае разумного подхода, взвешенности и ответственности населения и привлекаемых к этой работе лиц, можно будет добиться, чтобы, не допуская чрезмерной нагрузки на систему здравоохранения (стремительного наплыва большого количества больных в клиники), «переболеть» и преодолеть данный непростой период жизни страны.

При реализации другого, крайнего варианта стратегии действий с коронавирусом, заключающегося в постоянном продлении карантина и жестких ограничений, общество столкнется с проблемой поиска ресурсов для своего дальнейшего развития, а также всегда будет возникать проблема новой вспышки эпидемии после смягчения изоляционного режима.

В настоящее время необходимо сопоставить, в какую сумму расходов может обойтись стране длительное продление карантина для всех граждан, а также сумму, которая необходима на проведение масштабного профилактического обследования лиц преклонного возраста и лечения хронических больных (в течение 21 дня в стационарных условиях), которым невозможно обеспечить надежную изоляцию в домашних условиях.

Естественно, ослабление карантина необходимо осуществлять поэтапно, по мере создания соответствующих условий, в зависимости от региона, населенного пункта или местности (строительство новых клиник, наличие квалифицированного персонала и оборудования и др.).

Таким образом, предлагается новая стратегия действий в борьбе с распространением коронавируса и его негативными последствиями: люди преклонного возраста – самоизоляция в домашних условиях, лица с хроническими болезнями и низким иммунитетом – профилактика или лечение в специализированных клиниках, остальным гражданам – работать в обычном режиме в коммерческой и бюджетной сфере, наверстывая упущенные возможности.

ABSTRACTS

A SYSTEMATIC APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF MEASURES TO MITIGATE THE CONSEQUENCES OF COVID-19 IS A NECESSARY CONDITION FOR ENSURING ECONOMIC GROWTH

The wide spread of coronavirus infection COVID-19 leads to a deterioration in the socio-economic situation in almost all countries of the world. The problem posed a serious threat to the sustainable development of the national economy in Uzbekistan. In the article, the authors made an overview of the anti-crisis measures taken in our country.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

Абдураҳим Тўраев,
Тошкент молия институти «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси доценти,
Фарангиз Кенжаева,
Тошкент темир йўл муҳандислари институти магистранти

Иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикасида эркин фуқаролик жамияти қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан халқ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти муҳимдир. Ҳозирги кунда республикамизнинг турли соҳаларида 9000дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд бўлиб, 29та халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари ҳам фаолият юритмоқда[1].

ЎзА фотоси.

[1] *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 22.12.2017 йил (http://uza.uz).*

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни молиявий ва асосланган хўжалик қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган бошқа ахборот билан тўлиқ, ишончли, ўз вақтида таъминлашдир. Лекин мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти амалиётда кенг тарғиб этилмаганлиги ва ҳали ёш сектор ҳисобланганлиги сабабли мазкур ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг махсус тизими ишлаб чиқилмаган. Шу сабабдан ҳозирги кунда мазкур ташкилотлар мамлакатда амалда бўлган бухгалтерия ҳисобининг умумий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда фаолият юритмоқдалар.

Иқтисодий субъект ҳисоб сиёсатини шакллантириш ташкилотнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам бухгалтерия ҳисобини юритишда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ҳисоб сиёсатини тузишда унга бир қанча омиллар таъсир этади, масалан, ташкилотни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, ҳуқуқий-ташкилий тузилмаси, фаолият тури, ходимлар сони, жойлашган ҳудуди ва ҳоказо. Нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этишда асосий мақсад сифатида, бошқа тижорат ташкилотларидан фарқли ўлароқ, фойда олиш кўзланмайди. Шу сабабли ҳам мазкур ташкилотлар ҳисоб сиёсатини тузишда ва бухгалтерия ҳисобини юритишда ўзига хос жиҳатлар мавжуд.

Европа мамлакатларида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 2017 йилда 148 мингдан ортиқни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Россия Федерациясида 221 мингдан ортиқ бўлганлиги аниқланди[2].

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоб сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари бир қанча хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ва тадқиқотчилари томонидан ўрганиб чиқилган. Шу жумладан, Д. Колдуэлл, Х. Андерсон, Б. Нидлз, Л.В. Гусарова, Т.В. Юрьева, Н.А. Пирожкова, Л.В. Егорова, В.Ф. Палий, П.Ю. Гамольский, М.Л. Пятов, Я.В. Соколов, Г.Ю. Касьянова, маҳаллий олимларимиздан А.А. Каримов, А.Х. Пардаев, Б.А. Хасанов, К.Б. Ўразов,

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига фаол интеграциялашуви бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солишнинг халқаро стандартларига имкон борича яқинлаштирилган миллий тизимни барпо этиш эҳтиёжини юзага келтирди.

ЎзА фотоси

[2] *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 22.12.2017 йил (http://uza.uz).*

ЎзА фотоси.

Э.Ф. Гадоев, А.А. Каримов, А.К. Ибрагимов асарларида умумий бухгалтерия ҳисобини юритишга оид маълумотлар келтирилган.

Тошкент молия институти иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори М.С. Ҳожиевнинг «Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш»[3] мавзусидаги авторефератида нодавлат нотижорат ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини юритишдаги мавжуд камчиликлар ва уларнинг ечимлари кенг ёритиб ўтилган.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига фаол интеграциялашуви бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солишнинг халқаро стандартларига имкони борича яқинлаштирилган миллий тизимни барпо этиш эҳтиёжини юзага келтирди.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобварақлар режаси ҳамда уни қўллаш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди, улар 21-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти[4] сифатида тасдиқланди ва рўйхатдан ўтказилди. Юқорида айтилган стандартнинг бухгалтерия ҳисоби тизимида юз бераётган ўзгаришлар ҳисобга олинадиган янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган ва 2002 йил 2 ноябрдан кучга кирган.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига хўжалик фаолияти далилларини гуруҳлаш ва баҳолаш, активлар қийматини сўндириш, ҳужжатлар айланмасини ташкил этиш, инвентаризация, бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларини қўллаш усуллари, ҳисоб регистрлари, ахборотга ишлов бериш тизимлари ҳамда бошқа усуллар киради.

ННТ учун бухгалтерия ҳисобини юритишнинг махсус тизими ишлаб чиқилмаган, шунинг учун нотижорат ташкилотлари барча юридик шахслар учун умумий бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланишлари лозим. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Президент фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси

[3] *Хожиев М.С. Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш// Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018 й.*

[4] *Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари.*

Қўшимча ижтимоий ёрдамга муҳтож одамларга ижтимоий хизматлар кўрсатишда ННТларнинг роли

Ижтимоий хизматлар нима?

Заиф гуруҳларни қўллаб-қувватлаш ва тўлиқ ҳаётга қайтариш бўйича хизматлар

Ўзбекистонда **450** дан ортиқ **ННТ** ижтимоий хизматларни тақдим этади

	(фоизда)
Республика ННТ	3,3
Тошкент ш.	17,4
Қорақалпоғистон Респ.	4,4
Андижон вилояти	7,5
Бухоро вилояти	4,8
Жиззах вилояти	8,4
Қашқадарё вил.	7,3
Навоий вилояти	5,5
Наманган вилояти	10,4
Самарқанд вилояти	4,0
Сурхондарё вил.	6,6
Сирдарё вилояти	1,8
Тошкент вилояти	5,1
Фарғона вилояти	8,4
Хоразм вилояти	5,3

ННТларнинг ижтимоий хизматларини тақдим этиш даражаси

Республика — 4 фоиз

Минтақавий — 32,2 фоиз

Шаҳар / туман — 63,8 фоиз

Кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар, **турлар бўйича** (фоизда)*

- 64,5 Ижтимоий-юридик хизматлар
- 59,0 Ишга жойлаштириш ва бандликни таъминлаш, ихтисослаштирилган иш ўринларини яратиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ хизматлар
- 47,8 Дам олишни ташкил этиш ва ижтимоий доирани кенгайтириш
- 46,9 Ижтимоий-тиббий хизматлар
- 41,4 Ижтимоий-таълим хизматлари
- 39,9 Моддий кўринишдаги ёрдам
- 31,1 Ижтимоий-иқтисодий хизматлар
- 30,6 Ижтимоий-психологик хизматлар
- 28,6 Ижтимоий-маиший хизматлар (муассасадан ташқарида парваришлаш хизматлари
- 7,0 Ўқув-тарбиявий ва таълим хизматлари
- 2,2 Энг мақбул яшаш шароитини аниқлаш учун кундузги / вақтинча яшаб парваришлаш хизматлари
- 0,4 Оила / хавфсиз муҳитни таъминлаш
- 0,2 Институционал муассасаларда яшаб парваришлашни таъминлаш

TOP 7

ННТ томонидан **ижтимоий хизматлар олувчилар** (фоизда)*

ННТларга ижтимоий хизматларни кўрсатишда **баъзи муаммолар ва ечимлар**

Ижтимоий хизматларни тақдим этиш соҳасида **ННТларнинг афзалликлари**

- Бир қатор хизматлар фақат ННТ томонидан тақдим этилади
- Фақат ННТ кенг қамровли ижтимоий ишларни амалга оширади
- ННТ мижозларга ижтимоий (қайта) интеграциялашга кўпроқ йўналтирилган
- ННТлар давлат хизматлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширадилар

* ННТларнинг умумий сонидан (454 ННТларнинг сўров натижаларига кўра)

Манба: *«Меҳнатда ижтимоий шериклик» лойиҳаси доирасида тайёрланган «Ўзбекистондаги ижтимоий хизматлар: ҳолати, истиқболлари» таҳлилий маърузаси (https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/uz/home/media/infographics/ngos-and-social-services.html).*

КАРАНТИН МУНОСАБАТИ БИЛАН ННТларга ЕНГИЛЛИКЛАР БЕРИЛДИ

Республика махсус комиссиясининг Қарорига кўра:

- нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) чет эл фуқаролари бўлган ходимлари, шунингдек, уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларининг аккредитация карточкасининг амал қилиши карантин даври муддатига узайтирилади;
- ННТларнинг коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ мақсадлар учун чет эллик шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни келишиш бўйича мурожаатлари уч иш куни ичида кўриб чиқилади;
- давлат мулкини ижарага олган ННТлар учун карантин даврида ижара тўлови «ноль» ставкада қўлланилади;
- аъзолик бадалини тўлаш мажбурий бўлган ННТлар учун бадалларни тўлаш муддати карантин даври муддатига узайтирилиши тавсия қилинади.

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Ҳуқуқий ахборот» Telegram-канали (@huquqiyaxborot).*

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (бундан кейин БҲМС) шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»[5]ги Қонуни 7-моддасига биноан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари ташкил қилади.

Раҳбар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини яратиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматларидан фойдаланиш;
- шартнома асосида бухгалтерия ҳисобини юритишни махсус бухгалтерия фирмасига ёки таркибига бухгалтерия ҳисоби субъекти кирадиган хўжалик бирлашмасининг марказлаштирилган ҳисоб-китоб бўлимига ўтказиш;
- бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Айнан раҳбарга қуйидагиларни таъминлаш юклатилган:

- ички ҳисоб ва ҳисобот бериш тизимини яратиш;
- хўжалик операцияларининг назорат тартиби;
- тўла ва ишончли бухгалтерия ҳисоби;
- ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланиши;
- ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш;
- солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларни тайёрлаш;
- ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатдан ўтказилган 1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»[6]га биноан, ҳисоб сиёсати деганда уларнинг принципи ва асосларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда молия ҳисоботини тузиш учун хўжалик юритувчи субъект раҳбари қабул қиладиган усулларнинг жами тушунилади. Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг турли йилларда бериладиган молиявий ҳисоботидаги молиявий кўрсаткичлар қиёсланадиган бўлиши учун шакллантирилади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига хўжалик фаолияти далилларини гуруҳлаш ва баҳолаш, активлар қийматини сўндириш, ҳужжатлар айланмасини ташкил этиш, инвентаризация, бухгалтерия ҳи-

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати унинг раҳбари тарафидан тегишли ташкилий-буйруқли ҳужжат (буйруқ, фармойиш ва ш.к.) билан расмийлаштирилиши лозим.

[5] *Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), ЎРҚ 404-сон, 2016 йил 13 апрель. «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 14 апрелдаги 73 (6508)-сони.*

[6] *Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари.*

соби ҳисобварақларини қўллаш усуллари, ҳисоб регистрлари, ахборотга ишлов бериш тизимлари ҳамда бошқа усуллар киради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати унинг раҳбари тарафидан тегишли ташкилий-буйруқли ҳужжат (буйруқ, фармойиш ва ш.к.) билан расмийлаштирилиши лозим.

Ҳисоб сиёсати ННТнинг бош ҳисобчиси томонидан ўзининг корхонаси хусусиятларидан келиб чиқиб тузилади. Унда ҳар бир ННТнинг катта-кичиклиги, фаолият қамрови, ходимлар сони, жойлашган жойи, мавжуд грантлари эътиборга олинган ҳолда бир йил давомида қўлланиладиган ҳисоб усуллари акс эттирилади. ННТлар ҳисоб сиёсатининг титул варағи тахминан 1-чизмадаги маълумотларни ўзида акс эттириши керак. Чизмада ҳар бир ННТнинг ҳисоб сиёсати ва унинг тузилиши келтириб ўтилган.

Субъект тарафидан ҳисоб сиёсатини шакллантиришда танланган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари тегишли ташкилий-буйруқли ҳужжат чиқарилгандан кейинги йилнинг биринчи январидан қўлланилади, ҳисобот йили давомида янгидан тузилган хўжалик юритувчи субъектлар бундан мустасно. Бунда улар хўжалик юритувчи субъектнинг барча таркибий бўлинмалари (алоҳида балансга ажратилганлар ҳам шу жумладан) томонидан уларнинг жойлашган ўрнидан қатъи назар қўлланилади.

Янги тузилган ташкилот ўзи танлаган ҳисоб сиёсати-

1-чизма

ННТ ҳисоб сиёсатининг титул варағи

2019 йил 30 декабрдан _____- сон **БУЙРУҚ** **2020 йил учун ҳисоб сиёсатини тасдиқлаш ҳақида**	**ННТнинг** **2020 йил учун** **ҲИСОБ СИЁСАТИ**

Манба: *муаллиф томонида тузилган.*

2-чизма

Ҳисоб сиёсатида келтириладиган асосий усуллар

1. ҲИСОБВАРАҚЛАР ИШЧИ РЕЖАСИ
2. ХЎЖАЛИК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ҲИСОБВАРАҚЛАР ИШЧИ РЕЖАСИДА АКС ЭТТИРИШ
3. ИЧКИ ҲИСОБОТ ҲУЖЖАТЛАРИ ШАКЛЛАРИ
4. ҲУЖЖАТЛАРНИ ВИЗАЛАШ ТИЗИМИ ВА ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНМАСИ ГРАФИГИ
5. АКТИВЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ
6. АКТИВЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШ

Манба: *муаллиф томонида тузилган.*

ЎзА фотоси

ни мазкур бандга биноан молиявий ҳисоботнинг биринчи эълонига қадар, лекин юридик шахс ҳуқуқини (давлат қайди) олган кундан бошлаб кўпи билан 90 кун ичида расмийлаштиради. Танланган ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳуқуқини (давлат қайди) олган кундан бошлаб қўлланяпти, деб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг усул ва услублари рўйхати ташкилотнинг ҳисоб сиёсати амалий ишларни бошқариш мақсадларида ва солиқ тўловчилар ҳамда солиқ органлари орасидаги баҳсли саволларни ҳал қилишда бухгалтерия ҳисобининг тўғрилигини қонуний асословчи ҳужжат сифатида қўлланилади ва назорат қилувчи органлар (аудит, солиқ органлари ва ҳ.к.) томонидан ҳар қандай текширишнинг биринчи босқичида ўрганиладиган асосий ҳужжатлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсати 2-чизмада келтирилган асосий усулларни ўз ичига олиши керак. Ҳисоб сиёсатининг таркибида бошқа усуллар ҳам кўзда тутилиши мумкин, лекин юқорида саналганлари бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва ҳисоботни шакллантириш учун мажбурийдир.

Ташкилотнинг ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритишнинг умумий белгиланган барча қоидалари ва меъёрларини санаб кўрсатишдан иборат бўлмаслиги керак. Ҳисоб сиёсатини тузишда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш тавсия қилинади:

1. Ҳисоб сиёсатида амалдаги бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги қонунчиликка биноан вариантлар назарда тутилган тартиб-таомилларгина акс эттирилади. Меъёрий ҳужжатларда аниқ ёзилган тартиб-таомиллар ҳисоб сиёсатида кўрсатилмайди.

2. Ҳисоб сиёсатига меъёрий ҳужжатларни тавсифлашни ёки зикр қилишни киритиш жоиз эмас.

Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бухгалтерия ҳисобининг хисобварақлар режаси асосида корхона айнан шу корхонада ҳисоб юритиш учун зарур бўлган ҳисобварақлар ва (ёки) илова ҳисобварақларини назарда тутувчи ўзининг ишчи режасини ишлаб чиқиши мумкин.

Ҳисобварақлар ишчи режасини тузиш – ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг жуда масъулиятли жиҳати. Бухгалтерия ҳисобининг очиқ-ойдинлиги, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тўғри шакллантириш, ННТ фаолиятининг турли иқтисодий кўрсаткичларини тезкор олиш имконияти ҳисобварақлар ишчи режаси қанчалик пухта тузилганлигига боғлиқдир. Ҳисобварақлар ишчи режасини тузишни қуйидаги изчилликда олиб бориш тавсия қилинади:

1. ННТ умумий таркиби ва фаолият ҳажмини баҳолаш. Филиаллар ва шуъба корхоналари борми? Агар бор бўлса, улар билан ҳисоб-китоблар қандай йўналишлар бўйича амалга оширилаяпти, марказий ННТ дастурлари бўйича ишда филиаллар иштирок этиши кутилаяптими?

2. Келгуси йил учун бюджетни қуйидаги ахборотни олиш нуқтаи назаридан диққат билан ўрганиш:

■ Молиялашнинг қанча манбаи бор, манбаларнинг характери қандай?

■ Тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладими?

■ Дастурларнинг қанча миқдорини бажариш тахмин қилинаяпти?

3. Хўжалик операцияларининг келгуси йил учун рўйхатини тузиш.

4. Шакллантириш зарур бўлган ҳисоботлар реестрини тузиш. Бунда барча ҳисоботларни – назорат органларига, донорларга, статистика органларига ҳисоботлар ҳамда ички ҳисоботларни инобатга олиш керак.

5. Ушбу ҳисоботларни тузиш учун зарур бўлган ахборотлар реестрини тузиш.

6. Ҳисобварақлар намунавий режасида барча активлар ва мажбуриятлар ҳисоби учун зарур ҳисобварақларни танлаш.

7. Агар намунавий режа ҳисобварақларидан бирортаси ННТ ўтказаётган хўжалик операциялари ва мавжуд активларнинг иқтисодий мазмунига жавоб бермаса, ишчи режага ҳисобварақлар намунавий режасида ишлатилмайдиган ҳисобварақларни киритиш.

8. Ҳисобварақлар ишчи режасида хўжалик операцияларини акс эттириш тартибини тавсифлаш.

Масалан, якуний бюджетда молиялашнинг 6 манбаи кўзда тутилган, улар учун алоҳида ҳисобварақлар (илова ҳисобварақлар) кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Ишчи режага қуйидаги ҳисобварақлар (илова ҳисобварақлари) кириши мумкин:

8810 – Грант;

8830 – Аъзолик бадаллари;

8850 – Биргаликда фаолият бўйича шериқдан мақсадли тушумлар;

8860 – Шуъба корхоналаридан тушумлар;

8870 – ННТ устав мақсадларини бажаришга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятидан фойда (бизнинг мисолда – пулли хизматлар кўрсатишдан, депозит бўйича фоизли даромад);

8890 – Бошқа мақсадли тушумлар (бу ҳисобварақ – бюджетда кўзда тутилмаган мақсадли тушумлар ҳисоби учун).

Гарчи бюджет тузишга оид мисолда депозит бўйича фоизлар алоҳида молиялаш манбаи кўринишида белгиланган бўлса-да, биз унинг ҳисоби учун алоҳида ҳисобварақ (илова ҳисобварақ)ни назарда тутмаганимизга эътибор беринг. Бу молиявий фаолиятдан даромадлар «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 2-сон шаклида, соф фойда иқтисодий фаолиятнинг барча турлари, шу жумладан молиявий фаолият бўйича умумий якун сифатида акс эттирилиши билан изоҳланади, шунинг учун, бизнингча, ўзини ўзи молиялашнинг барча манбаларини умумий ҳисобварақда акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Бюджетда бир вақтда тўрт дастурни (шу жумладан «Ресурсларни ривожлантириш» дастурини) бажариш кўзда тутилганлиги муносабати билан ҳисобварақлар ишчи режасига амалдаги ҳисобварақлар режасида ишлатилмайдиганлари орасида алоҳида ҳисобварақлар (бир ҳисобварақ – илова ҳисобварақлари) киритилишини тавсия қилиш мумкин, дастурлар бўйича барча харажатлар уларга йиғилади, масалан;

ЎзА фотоси.

ЎзА фотоси.

2210 – «1-дастур бўйича харажатлар»,

2220 – «2-дастур бўйича харажатлар»,

2230 – «3-дастур бўйича харажатлар»,

2290 – «Ресурсларни ривожлантириш» дастури бўйича харажатлар».

Ҳисоб сиёсатида инвентаризациялашни ўтказиш тартиби ва муддатларини ҳам кўзда тутиш зарур.

Мол-мулк ва мажбуриятларни инвентаризациялаш 19-сонли БҲМС «Инвентаризациялашни ташкил қилиш ва ўтказиш»га биноан; мақсадли молиялаш бўйича ҳисоб-китобларни инвентаризациялаш – ташкилот ихтиёрига кўра (ҳар ойда ёки ҳар чоракда) амалга оширилади.

Кроме того, уменьшение объема денежных переводов было вызвано изменениями в миграционном законодательстве России. Так, с 1 января 2015 года новые изменения в законе о миграции усложнили бюрократический процесс, была увеличена стоимость получения разрешения на работу в виде патента, который мигранты должны купить, чтобы официально работать в России. Из-за новых изменений в законе, годовая стоимость получения разрешения на работу достигла 58 000 рублей, что равно средней двухмесячной зарплате трудового мигранта в России. Это и привело к снижению денежных переводов. При таких обстоятельствах в 2015 году потоки денежных переводов в Украину, Узбекистан и Таджикистан сократились на 48%, 44,5% и 42% или до $5,5 млрд., $2,4 млрд. и $1,2 млрд. соответственно по сравнению с 2014 г.

Ожидалось, что после присоединения к Евразийскому экономическому союзу (ЕврАзЭс) потоки денежных переводов в Кыргызстан увеличатся. После завершения процесса вступления мигрантам Кыргызстана разрешили работать в России без оплаты стоимо-

Таблица 1

Приток денежных переводов в некоторых странах СНГ (млрд. долл. США)

№	Страны	2012 г.	2013 г.	2014 г.	2015 г.	2016 г.	2017 г.	2018 г.
1	Украина	9,8	10,9	11,5	6,0	6,2	7,9	14,4
2	Узбекистан	5,7	6,7	5,4	3,0	2,3	2,8	3,9
3	Кыргызстан	2,0	2,3	2,2	2,0	2,0	2,5	2,7
4	Молдова	1,8	1,9	2,1	1,7	1,4	1,6	1,7
5	Армения	2,2	2,3	2,2	2,0	1,1	1,6	1,5
6	Грузия	1,7	1,9	1,9	2,3	1,5	1,8	1,9
7	Таджикистан	3,9	4,1	3,7	2,5	1,8	2,2	2,3

Источник: *Расчеты автора по данным World Bank staff estimates, World Development Indicators, and International Monetary Fund (IMF) Balance of Payments Statistics.*

сти разрешения на работу, что позволяет им экономить больше и отправлять больше денег на родину. В 2018 году денежные переводы по отношению к 2015 году увеличись на 35%.

Ряд данных относительно притока денежных переводов (в процентах от ВВП) показали (Таблица 2), что среднее значение для исследуемого периода колебалось от 38,2% от ВВП (в Таджикистане) до 7,46% от ВВП (в Узбекистане). Первой примечательной особенностью было то, что почти все страны показали высокий уровень притока денежных переводов. Первые три места заняли Таджикистан (38,2% от ВВП), Кыргызстан (32,3% от ВВП) и Молдова (22,9% от ВВП), на последнем месте оказался Узбекистан (7,46% от ВВП).

Нижеуказанные переменные, используемые для проверки второй гипотезы (темп роста реального ВВП на душу населения, денежные переводы, прямые иностранные инвестиции (ПИИ), ставка инвестиций и экспорт товаров и услуг), представлены в таблице 3. Среднее значение денежных переводов за исследуемый период в Узбекистане составило 7,57% от ВВП; оно варьировалось от 3,6% (2016) до 11,7% (2013). Среднее значение ПИИ составляло 1,56% от ВВП, с минимальным значением 0,09% (2015) и максимальным 3,6% (2017). Ставка инвестиций зафиксировала среднее значение 25,78%, самая низкая ставка составила 23,9% (2012), а самая высокая – 28,1% (2018). Что касается стоимости экспорта, то она варьировалась от 17,9% (2015) до 28,7% (2018) со средним значением 23,4% от ВВП.

Хотя денежные переводы помогают экономике Узбекистана амортизировать шоки, они не служат двигателем экономического роста. С 2012 по 2018 год рост реального ВВП на душу населения в Узбекистане составлял

Таблица 2

Доля денежных переводов в ВВП в некоторых странах СНГ (%)

№	Страны	2012 г.	2013 г.	2014 г.	2015 г.	2016 г.	2017 г.	2018 г.
1	Украина	5,6	5,9	8,6	9,3	10,1	10,8	11,4
2	Узбекистан	11,1	11,7	8,6	4,3	3,6	5,7	8,0
3	Кыргызстан	31	31,5	30	30,3	34,5	35,2	33,6
4	Молдова	25	24,9	26	26,2	21,7	20,6	16,1
5	Армения	21	21,0	19	19,1	11,3	13,9	12,1
6	Грузия	11	12,1	12	12,0	10,3	11,8	12,2
7	Таджикистан	52	48,8	42	36,6	26,9	30,7	31

Источник: *Расчеты автора по данным World Bank staff estimates, World Development Indicators, and International Monetary Fund (IMF) Balance of Payments Statistics.*

Таблица 3

Циклическая характеристика денежных переводов в Узбекистане

Показатели	2012 г.	2013 г.	2014 г.	2015 г.	2016 г.	2017 г.	2018 г.	Среднее значение	Стандартное отклонение	Минимум	Максимум
Темп реального роста ВВП на душу населения, %	1,11	1,09	1,07	1,03	0,99	0,71	0,83	0,97	0.15	0,71	1,11
Доля денежных переводов в ВВП, %	11,1	11,7	8,6	4,3	3,6	5,7	8,0	7,57	3,18	3,6	11,7
Доля ПИИ в ВВП, %	1,09	1,1	1,2	0,09	2,6	3,6	1,28	1,56	1,15	0,09	336
Ставка инвестиций, %	23,9	24,3	24,9	26,1	25,8	27,4	28,1	25,7	1,55	23,9	28,1
Доля экспорта в ВВП, %	26,4	24,9	21,5	17,9	18,9	25,5	28,7	23,4	4,03	17,9	28,7
Доля потребления в ВВП, %	74,8	74,1	76,4	75,0	77,9	73,1	69,5	74,4	2,66	69,5	77,9

Источник: *Расчеты автора по данным Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике, World Bank staff estimates, World Development Indicators, and International Monetary Fund (IMF) Balance of Payments Statistics.*

в среднем всего 0,97% ежегодно. Даже в 2017 году он рос средними темпами, равными всего 0,71% в годовом выражении. В Узбекистане стандартное отклонение доли денежных переводов в ВВП и доля экспорта в ВВП были высокие, потому что полученные денежные переводы были синхронизированы с бизнес-циклом. Результаты показывают, что эмигранты из Узбекистана увеличили количество денег, которые они отправляли домой в периоды расширения. Это доказывает, что в Узбекистане денежные переводы реагируют на циклические колебания: их приток проциклический (здесь эмигранты уменьшают стоимость денежных переводов в периоды рецессии или экономических кризисов и наоборот), а приток иностранных прямых инвестиций ациклический.

Таким образом, мы подтвердили первую гипотезу о том, что денежные переводы в некоторых странах СНГ более стабильны, чем частные инвестиции. Проанализировав статистические данные, мы определили, что в Узбекистане совместное движение циклического компонента ВВП и денежных переводов было проциклическим, а поток ПИИ был ациклическим. Вторая гипотеза не была подтверждена для узбекской экономики, результаты не показали ни долгосрочного, ни краткосрочного влияния. Наши эмпирические результаты в отношении Узбекистана показывают, что приток денежных переводов не оказал существенного влияния на экономический рост.

В Узбекистане денежные переводы реагируют на циклические колебания: их приток проциклический (здесь эмигранты уменьшают стоимость денежных переводов в периоды рецессии или экономических кризисов и наоборот), а приток иностранных прямых инвестиций ациклический.

ABSTRACTS

INFLUENCE OF MONEY TRANSFERS ON THE ECONOMY OF DONOR COUNTRIES

Migration is a complex phenomenon that affects various aspects of the economic and socio-political life of a society. The authors of the article cite studies conducted by international organizations and individual scientists, which showed that migrants mainly transfer funds to their homeland to support their families. An analysis of the effect of remittances on the GDP of migrant sending countries is presented as well.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФОНД БИРЖАСИ ФАОЛИЯТИДА МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА БАНКЛАРНИНГ ЎРНИ

Гулбаҳор Бақоева,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети «Халқаро молия ва инвестициялар» кафедраси катта ўқитувчиси

Мустақиллик йилларида кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар сабабли миллий фонд бозорини яратиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Айни пайтда республикада фонд биржасининг назорат органлари томонидан берилган махсус лицензияга эга 300 дан ортиқ профессионал бозор иштирокчилари фаолият юритишмоқда. Соҳага оид 160 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар мавжуд.

Акцияларнинг ялпи эмиссияси даражаси ҳар йили ўсиб бормоқда. Хусусан, 2017 йил 1 январгача чиқарилган акциялар қиймати 17,9 трлн. сўмни ташкил этган. Ваҳоланки, бу рақам 01.01.2016 й. санаси бўйича 12,3 трлн. сўм ҳажмида бўлган эди ва бу 2015 йилдаги кўрсаткичлардан 3,8 трлн. сўмга кўпроқ[1]. Акциялар савдоси биржада ва биржадан ташқарида ҳам ўтказилиши мумкин. 2019 йил 1 март ҳолатига кўра, биржа ва биржадан ташқари амалиётлар 8,90 млрд. сўмни (4031та шартнома) ташкил этиб, шулардан 8,59 млрд. сўмлик (3920та шартнома) савдо амалиётлари биржада ва 20та эмитент иштирокида 314,23 млн. сўмлик (111та шартнома) савдо биржадан ташқарида бажарилган. Ушбу муддатда облигациялар билан бирорта ҳам амалиёт ўтказилмаган. Февраль ойида биржада 3920та листингда турувчи 55та акциядорлик жамиятларининг акциялари билан келишувлар ўтказилди.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, февраль ойида энг юқори савдо ҳажми банк секторига тегишли бўлиб, 5,59 млрд. сўмни ташкил қилди ва жами биржа савдосининг 65,1 фоизини эгаллади. Кейинги ўринда қурилиш сектори туради. Бунга асосий сабаб «QIZILQUMSEMENT» АЖнинг 2017 йилда 49,79 млрд. сўм ва 2018 йилда 338,77 млрд. сўм соф фойда билан чиққани бўл-

2019 йил 1 март ҳолатига кўра, биржа ва биржадан ташқари амалиётлар 8,90 млрд. сўмни (4031та шартнома) ташкил этиб, шулардан 8,59 млрд. сўмлик (3920та шартнома) савдо амалиётлари биржада ва 314,23 млн. сўмлик (111та шартнома) савдо биржадан ташқарида бажарилган. Ушбу муддатда облигациялар билан бирорта ҳам амалиёт ўтказилмаган. Февраль ойида биржада 3920та листингда турувчи 55та акциядорлик жамиятларининг акциялари билан келишувлар ўтказилди.

[1] *«Тошкент» РФБ маълумотларига кўра муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.*

Бугунги кунда фонд биржасига тегишли бўлган маълумот ва кўрсаткичларни қўллаган ҳолда эконометрик модель ишлаб чиқиш ва айнан қайси деривативни фонд бозорида қўллаш мумкинлигини модель орқали ифодалашнинг имкони йўқ.

ди. Эмитентлар ичида етакчилик қуйидаги иштирокчиларга тегишли бўлиб, «Агробанк» АТБ 3,51 млрд. сўм, «Ravnaq-bank» ХАТБ – 1,90 млрд. сўм ва «QIZILQUMSEMENT» АЖ – 1,53 млрд. сўмни ташкил этди ва умумий биржа айланмасининг 40,89, 22,12 ва 17,76 фоизга тенг бўлди. Ушбу иштирокчилар устав капиталининг биржада қатнашиш даражаси 0,18, 1,90 ва 0,18 фоизни ташкил этди (2-жадвал).

Акциялари ўзгарувчанлиги даражасига кўра энг юқори кўрсаткич «Uzkabel» ҚК АЖга тегишли бўлиб, февраль ойида номинал қиймати 1500 сўм бўлган 10 300 сўмлик акциянинг нархи 300 000 сўмгача кўтарилди. Бугунги кунда эса «Uzkabel» АЖ ҚК акцияларининг нархи 200 000 сўмга тенг (3-жадвал). Ўзгарувчанлик даражаси 2 813 фоизни ташкил этди. Бу жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади. Лекин энг қизиқарли жиҳати шундаки, ушбу давр мобайнида акцияларнинг нархи ўзгаришига таъсир этувчи ҳеч қандай корпоратив ўзгаришлар бўлгани йўқ.

Биржадан ташқари савдо амалиётлари ҳажми бўйича «Бошранслойиҳа Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти» АЖнинг оддий акциялари биринчи ўринни эгаллади ва жами биржадан ташқари савдо айланмасининг 42,06 фоизга тенг бўлган 132,17 млн. сўмни ташкил қилди.

Биржадан ташқари келишувлар асосида қўшилиш ва ютиб олиш амалиётлари ҳам ўтказилди (Mergers and Acquisitions, M&A). Натижада «Garant Mobil Trans» МЧЖ «Lazzat QIChAJ» АЖ ҚКнинг 52,69 фоиз (1 328 573 дона) акциясига эгалик ҳуқуқини олди.

Таҳлилда келтирилган фонд бозори иштирокчиларининг қарорлари, акция нархларининг ўзгариши ва турли ташкилотларнинг бирлашиши маълум бир сабабларга кўра амалга ошганини аниқлаш қийин.

Шу боис, бугунги кунда фонд биржасига тегишли

1-жадвал

2019 йил февраль ойида биржа келишувлари ҳажми ва миқдори

Сектор	Келишувлар сони	Улуши (фоизда)	Савдо ҳажми (млн. сўмда)	Улуши (фоизда)
Банк	970	24,74	5 591,29	65,10
Қурилиш	1171	29,87	1 654,31	19,26
Нефть ва газ	849	21,66	421,99	4,91
Тоғ-металлургия	328	8,37	286,38	3,33
Шиша ишлаб чиқариш	320	8,16	223,35	2,60
Кимё саноати	36	0,92	142,18	1,66
Молиявий	34	0,87	124,90	1,45
Савдо-кўргазма	134	3,42	63,29	0,74
Вино саноати	5	0,13	44,58	0,52
Кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш	8	0,20	21,40	0,25
Бошқалар	65	1,66	15,40	0,18
Жами	**3 920**	**100,00**	**8 589,06**	**100,00**

Манба: *«Тошкент» РФБнинг 01.03.2019 йил ҳолатига капитал бозори ҳолати маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

2-жадвал

2019 йил февраль ойида биржанинг савдо ҳажмига кўра энг йирик эмитентлари рўйхати

Эмитент номи	Сектор	Савдо ҳажми (млн. сўмда)	Келишувлар сони	Ҳажмда улуши (фоизда)	Устав капитали бўйича улуши (фоизда)
«Агробанк» АТБ	Банк	3 512,36	23	40,89	0,18
«Ravnaq-bank» ХАТБ	Банк	1 900,00	2	22,12	1,90
«QIZILQUMSEMENT» АЖ	Қурилиш	1 534,20	1 155	17,86	0,18
«Қўқон механика заводи» АЖ	Нефть ва газ	294,49	700	3,43	0,88
«Кварц» АЖ	Шиша саноати	223,35	320	2,60	0,07
«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ	Тоғ-металлургия	152,28	151	1,77	0,02
«Биокимё» АЖ	Кимё	140,29	33	1,63	0,34
«Ўзбеккўмир» АЖ	Тоғ-металлургия	134,11	177	1,56	0,11
«Қувасойцемент» АЖ	Қурилиш	113,87	11	1,33	0,08
«O'zsanoatqurilishbank» АТБ	Банк	95,25	332	1,11	0,00
Бошқа АЖлар		488,87	1 016	5,70	
Жами		**8 589,07**	**3 920**	**100,00**	

Манба: *«Тошкент» РФБнинг 01.03.2019 йил ҳолатига капитал бозори ҳолати маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

3-жадвал

2019 йил 1 март ҳолатига акцияларнинг ўзгарувчанлиги таҳлили

№	Ташкилот номи	Биринчи савдо бўйича акция нархи (сўмда)	Иккинчи савдо бўйича акция нархи (сўмда)	Ўзгарувчанлик (фоизда)
1	«Ўзнефтмаҳсулот» АЖ	1 000	5 000	400
2	«Ўзбеккўмир» АЖ	2 000	5 500	175
3	«Alliance-Leasing» АЖ	300	611	104
4	«Uzkabel» ҚК АЖ	10 300	30 0000	2 813

Манба: *«Тошкент» РФБнинг 01.03.2019 йил ҳолатига капитал бозори ҳолати маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

бўлган маълумот ва кўрсаткичларни қўллаган ҳолда эконометрик модель ишлаб чиқиш ва айнан қайси дериативни фонд бозорида қўллаш мумкинлигини модель орқали ифодалашнинг имкони йўқ.

Лекин акцияларнинг ўзгарувчанлик даражаси юқорилиги ва янги қабул қилинган қонундаги ўзгартиришларга асосланган ҳолда шуни маълум қилиш мумкинки, инвестор учун энг қулай восита опцион ҳисобланади, яъни бозор нархига қараб олиш ёки олмаслик, сотиш ёки сотмаслик қарори ва ҳуқуқи ўз қўлида бўлади (4-жадвал).

Бугунги кунда фонд бозори фаолияти билан боғлиқ бир қатор муаммо ва қийинчиликлар мавжуд:

- Қимматли қоғозлар бозорида амалиётлар ҳажмининг кичиклиги;
- Қимматли қоғозлар бозоридаги молиявий инструментларнинг турлари камлиги;
- Сармоядор учун фонд бозори жозибадорлигининг пастлиги;
- Қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокчи корхоналар капиталида давлат улушининг юқорилиги;
- Фонд биржаси амалиётларида деривативларнинг умуман қўлланилмаслиги;
- Риск бошқаруви билан боғлиқ бўлган механизмнинг мавжуд эмаслиги;
- Фонд бозорида юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- «Тошкент» РФБ фаолиятида интеграциялашув даражасининг пастлиги.

Юқорида келтирилган муаммолар қимматли қоғозлар бозорининг самарадорлиги ва инвесторларнинг ушбу бозорга бўлган қизиқишини камайтиради. Фонд бозоридаги асосий иштирокчилар тижорат банклари бўлганлиги сабабли уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги савдо амалиётларини амалга оширишлари биржа айланмасининг юқори бўлишини таъминлайди.

«Тошкент» Республика фонд биржасининг 29.08.2016

4-жадвал

2019 йил февраль ойида биржанинг савдо ҳажмига кўра энг йирик эмитентлари рўйхати

Эмитент номи	Сектор	Савдо ҳажми (млн. сўмда)	Улуши (фоизда)	Устав капитали бўйича улуши (фоизда)
«Боштранслойиҳа Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти» АЖ	Автомобиль ва транспорт	132,17	42,06	2,14
«Урганч ёғ-мой» АЖ	Ёғ ва мой	66,17	21,06	0,07
«Самарқанд дори-дармон» АЖ	Соғлиқни сақлаш	28,02	8,92	0,67
«Навоий савдо комплекси» АЖ	Савдо-кўргазма	22,90	7,29	3,03
«Daromad Plus» ИФ АЖ	Молия	22,05	7,02	3,33
«Олим-Ф» АЖ	Молия	11,62	3,70	10,66
«Қишлоқ энерго лойиҳа» АЖ	Энергетика	7,79	2,48	0,05
«Ўзнефтгазинформатика» АЖ	Нефть ва газ	5,74	1,83	0,56
«Foykon» АЖ	Молия	4,44	1,41	0,18
«Deutsche Kabel AG Taschkent» АЖ ҚК	Кабель маҳсулотлари	4,20	1,34	0,01
«Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ	Кон-металлургия	2,63	0,84	0,01
«Охангарондон» АЖ	Ун маҳсулотлари	2,61	0,83	0,14
«Донолик ва келажак» ИФ АЖ	Молия	1,72	0,55	3,08
«Махсус электр тармоқ қурилиш» АЖ	Энергетика	1,34	0,43	0,02
«Turkiston-Invest» АЖ	Молия	0,64	0,20	0,10
«Халқ парварлик» АЖ	Молия	0,10	0,03	0,22
«Ўзтемирйўлйўловчи» АЖ	Автомобиль ва транспорт	0,03	0,01	0,00
«Мулк» АЖ	Молия	0,03	0,01	0,00
«Ангор пахта тозалаш» АЖ	Пахта	0,01	0,001	0,00
«Минора қуриш экспедицияси» АЖ	Нефть ва газ	0,009	0,001	0,00
Жами		**314,23**	**100,00**	

Манба: *«Тошкент» РФБнинг 01.03.2019 йил ҳолатига капитал бозори ҳолати маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

йилдан 29.09.2019 йилгача бўлган 754та лаг (давр) учун Фонд биржаси индекси, савдо шартномалари сони ва умумий савдо айланмаси кўрсаткичларидан ташкил топган статистик маълумотлар асосида эконометрик таҳлил ўтказилди ва модель тузилди. Асосий кўрсаткичлар жадвали ва регрессия таҳлили натижалари иловада берилган.

Вақт қатори мезонларига асосан қилинган таҳлил қуйидаги кўринишга эга бўлди.

Келтирилган 1-диаграммадан кўриниб турибдики, вақт оралиғида тебранишлар жуда юқори, маълум бир қонуният ва суръатлар кузатилмайди. Ушбу кўрсаткичлар асосида тренд чиқаришнинг имкони йўқ.

Минитаб дастурида ўтказилган тест натижасида тенг тақсимланганлик мавжуд эмаслиги аниқланди (2-диаграмма). Бу ҳолат ўртача қиймат билан максимум ва минимум қийматлар ўртасидаги фарқ жуда юқорилигидан дарак беради. Трендни аниқлаб башорат қилинганда хатолик даражаси юқори чиқади.

Амалиётда қўллаш таклиф этилаётган фьючерс ва Америка опциони шартномалари акция ва облигацияларнинг нархларини башорат қилиш билан боғлиқ рискни камайтиришга ва сармоядорга фойдасини репатриация қилишга ёрдам беради. Имитация моделида акция ва облигация нархлари ўзгариши суръатлари фьючерс нархларини белгилаш орқали ТРЕНДни аниқлаш имконини беради (3-диаграмма).

Республикада қимматли қоғозлар бозори тизимининг шаклланиши ва фаолиятида асосий ўринни банклар эгаллаб, соҳада муваффақиятли ҳаракатланиш учун бошқа хўжалик субъектларига кўра кўпроқ имкониятларга эга.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги қимматли қоғозлар бозорида банклар фаолиятини ҳар томонлама либераллаштиришга йўналтирилган. Шу ўринда банклар ўз мижозларининг хўжалик-молиявий фаолияти тўғрисидаги кенг маълумотга доимий равишда эга эканлиги

1-диаграмма

Моделнинг вақт қатори (Time series) бўйича асосий кўрсаткичлар



Манба: *Муаллиф томонидан МИНИТАБ дастури ёрдамида тузилди.*

сабабли бундай маълумот каналидан фойдаланишга рухсат этилмаган оддий сармоядорлардан кўра кўпроқ устунликларга эга. Шу билан бирга тижорат банклари умумий фонд бозори инфратузилмасининг бир элементи ҳисобланади, шунингдек, уларнинг ўрни ғоят катта, амалда қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритадиган иштирокчи банк хизматидан албатта фойдаланади, баъзилар унда ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақларини очишади, унда пул маблағларини сақлашади, шунингдек, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширишда банк хизматидан фойдаланадилар (5-жадвал).

Банкларнинг эмитент сифатидаги фаолиятини ўрганиб чиқиш натижасида бутун мамлакатдаги акциядорлик капиталининг 13,3 фоизи акциядорлик банклари ҳиссасига тўғри келиши аниқланди.

Республикадаги барча акциядорлик банкларининг Ўзбекистон Республикаси депозитарийсида тасдиқланган акцияларини чиқарилган ҳажмига кўра 3 қисмга ажратиш мумкин: йирик – миқдори 10 млрд. сўмдан юқори қийматдаги акциялар эмиссияси, ўрта – миқдори 3-10 млрд. сўм бўлган акциялар эмиссияси, кичик – миқдори 3 млрд. сўмгача бўлган эмиссия ҳажми. 2016 йил 1 январь ҳолатига 16та йирик банкларга барча эмиссия қилинган акциялар номинал қийматининг – 90,6, 8та ўрта банкларга – 8,5 ва 3та кичик банкларга эса 0,9 фоизи тўғри келади.

2017 йилдан тижорат банклари учун қайтадан муомалага чиқарилган акциялар ҳажмининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорини ошкора тарзда фонд биржасига чиқариш кўзда тутилган эди. Бу чора-тадбир натижасида банкларнинг акциялари савдоси сезиларли тарзда жонланди. Ҳозирга кунга келиб «Тошкент» республика фонд биржасининг рўйхатидаги 28 нафар эмитентдан 22таси банклар ҳисобланади.

Тижорат банкларининг ўз акцияларини чиқаришлари асосида бир қатор мажбуриятлар ётади, жумладан, энг асосийси, банк пассивини шакллантириш зарурияти. Инфляция, хусусий капиталнинг доимий тарзда қадрсизланиши банкларни узоқ муддатли депозитларни жалб этиш имкониятидан маҳрум этади, натижада узоқ муддатли қўйилмаларни амалга оширишда хусусий капиталдан фойдаланиш зарурати вужудга келади. Шуни таъкидлаш жоизки, банклар устав капиталини ошириш ҳамда қўшимча акцияларни чиқаришдан акциядорлар улушини қайта тизимлашда ҳам фойдаланишмоқда. Ва ниҳоят, амалга оширилиши зарур бўлган назорат қилувчи органлар томонидан банклар учун чиқарилган қарорлар, иқтисодий меъёрлар ҳамда тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдоридаги талаблар мавжуд. Қайта тузилаётган банклар учун устав капиталининг энг кам миқдори меъёри қуйидагича: тижорат банклари учун

2-диаграмма

Тренд моделнинг асосий кўрсаткичлари (имитацион модель)



Манба: *Муаллиф томонидан МИНИТАБ дастури ёрдамида тузилди.*

3-диаграмма

«Тошкент» РФБда савдо амалиётлари ҳажми ва сонини башорат қилиш тренд модели (имитацион модель)



Манба: *Муаллиф томонидан МИНИТАБ дастури ёрдамида тузилди.*

5-жадвал

Ўзбекистон фонд бозорларида мавжуд банкларнинг ўрни

Иштирокчи	Вазифа
Эмитент сифатида	Акциялар, облигациялар, депозит сертификатлари, банк векселлари ва қонунда кўзда тутилган бошқа қимматли қоғозлар
Сармоядор сифатида	Давлат ёки бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланадиган субъектларнинг қимматли қоғозларига эгалик қилиш
Фонд бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида	Ўз мижозларига дилерлик, консультатив, депозитар ҳамда қимматли қоғозларни бошқариш борасидаги хизматларни кўрсатиш

Манба: *Муминов С. Интеграция Узбекистана в международный фондовый рынок: экономико-правовые аспекты. Иқт. фан. ном. ... дис. – Тошкент. ЖИДУ, 2004 асосида муаллиф томонидан тузилган.*

5 млн. евро, хусусий банклар учун эса 2,5 млн. евро.

Фонд амалиётларини инобатга олган ҳолда сўнгги йилларда Ўзбекистон банкларининг асосий сармоя қилиш объекти банкларга кафолатланган даромад олиш имконини берувчи давлат қимматли қоғозлари бўлиб қолганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Ҳозирги вақтда эса давлат қимматли қоғозларининг паст даромадлилиги сабабли (16 фоизлик қайта молиялаштириш ставкасида 5–6 фоиз йиллик даромад келтирувчи) сармояларнинг ушбу тури самарадорлик жиҳатидан банклар учун ўз аҳамиятини йўқотди.

Аҳамиятлилик даражаси бўйича иккинчи ўринда турувчи, лекин энг катта истиқболга эга бўлган сармоялаш объекти – бу хусусийлаштирилган ташкилотлар акцияларидир. Бу акциялар дивиденд кўринишида даромад олиш, бозор қиймати ошганда фойда кўриш ва келгусида юқорироқ нархларда қайта сотиш учун муомалага чиқарилади.

Ҳар бир банк сармоя портфелининг маълум бир қисмини қўшма корхоналар ва шўъба корхоналарига киритилган пайлар ва улушлар ташкил этади. Ўзбекистоннинг кўплаб банклари сўнгги вақтларгача қимматли қоғозлар бозорининг турли соҳаларида фаолият юритувчи бир ёки бир неча профессионал иштирокчиларнинг таъсисчилари ҳисобланишади.

Келгусида банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида

фаолият олиб бориши учун зарур бўлган энг муҳим шарт-шароитлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кўп қимматли қоғозлар амалиётларини бажарувчи банкларга янги хизмат турларини жорий қилиш учун етарлича молиявий ресурсларни жамлаш;
- банкларнинг барқарор молиявий ҳолати ва банк амалиётларининг юқори даромадлилигини таъминлаш;
- банклар фаолиятини қимматли қоғозлар бозорига йўналтириш ва кўпгина анъанавий банк хизматларининг фойдалилик даражасини ошириш;
- банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки электрон тарзда амалга оширилишини таъминлаш;
- банклар учун яратилган мобиль иловаларга қимматли қоғозлар савдосига тегишли иловаларни ҳам қўшиш.

Ўз имкониятларидан фойдаланиб, қолаверса, ҳозирги замонавий босқичда банклар қимматли қоғозлар бозорида у ёки бу турдаги фаолият юргизмай туриб, ўзларининг тўғридан-тўғри вазифаларини бажара олмасликларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон банклари ушбу бозорда қимматли қоғозлар савдосини ривожлантириш учун муқобил шарт-шароитлар яратиб берувчи, ҳам бевосита иштирокчи, ҳам фонд бозори умумий инфратузилмасининг энг муҳим ёрдамчи муассасаси сифатида муҳим ўрин эгаллаб бормоқда.

Кейинги муҳим омиллардан бири умумий эмиссия

4-диаграмма

2012–2018 йиллар учун «Тошкент» республика фонд биржаси савдо айланмасида тижорат банкларининг улуши динамикаси

Манба: *«Тошкент» РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*

Охирги икки йилда янги эмиссия қилинган акциялар ҳажми банк тизими хусусий капитали умумий ўсишининг 58–60 фоизини ташкил қилмоқда. Қолган қисми эса тақсимланмаган фойданинг ўсиши ва банк капиталининг бошқа манбалари ҳисобига тўғри келади.

6-жадвал

Дивиденд даромадлилиги бўйича юқорида турувчи 20та компания (2017 йил 1 январь ҳолатига кўра)

Компания	Сектор	Дивиденд даромадлилиги, %
«Uzkabel» АЖ ҚК	Саноат	726,7
«Avtotexxizmat» МЧЖ	Машинасозлик	333,3
«Zirabuloq paxta tozalash» АЖ	Пахта саноати	89,5
«ELEKTRTARMOQQURILISH» АЖ	Қурилиш	55,2
«Foykon» АЖ	Молия	40,0
«Ўзтрансгаз» АЖ	ТЕК	10,0
«Агробанк» АТБ	Банк	36,0
«Автотеххизмат-Ф» АЖ	Машинасозлик	35,0
«ALSKOM» АЖ ҚК	Молия	34,9
«Избоскан тумани МТП» АЖ	Қишлоқ хўжалиги	30,1
«Hamkorbank» АТБ	Банк	29,6
«Buxoro hududiy elektr tarmoqlari korxonasi» АЖ	Энергетика	28,8
«Mikrokreditbank» АТБ	Банк	27,5
«Buxorogazsanoatqurilish» АЖ	Қурилиш	22,6
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	Банк	20,0
«O'zsanoatqurilishbank» АТБ	Банк	19,5

Манба: *«Тошкент» РФБ расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

қилинган акциялар тузилмасида имтиёзли акциялар улушининг пасайиши бўлди. Агар 2016 йилда 1,3 фоиздан кўпроқ акциялар имтиёзли бўлган бўлса, 2017 йилда уларнинг улуши умумий акцияларнинг номинал қиймати бўйича 0,7 фоизгача қисқариши кузатилди.

4-диаграммада кўриниб турибдики, охирги икки йилда янги эмиссия қилинган акциялар ҳажми банк тизими хусусий капитали умумий ўсишининг 58–60 фоизини ташкил қилмоқда. Қолган қисми эса тақсимланмаган фойданинг ўсиши ва банк капиталининг бошқа манбалари ҳисобига тўғри келади.

Сармоя портфелини диверсификация қилиш учун катта аҳамият касб этиши мумкин бўлган барқарор кўрсаткичли бозорлардан кўра, юқори даромадлилик билан ажралиб турувчи фонд бозорлари сармоядорлар эътиборини ўзига кўпроқ жалб этмоқда. Лекин сармоялар, ўз таърифига биноан, акция қийматининг ошиши билан боғлиқ дивиденд кўринишидаги даромад олишни назарда тутади.

6-жадвалда келтирилган рўйхатда 2017 йил якунлари бўйича дивиденд тўлаган барча компаниялар келтирилмаган, аммо ушбу рўйхатдан акциялари бутун ҳисобот даври мобайнида етарлича барқарорликка эга бўлиб, «Тошкент» РФБда котировка қилинган компаниялар ўрин эгаллаган. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда жисмоний ва юридик шахсларнинг дивиденд кўринишида олган даромадларини солиққа тортиш борасида қонунчилик томонидан бир қатор имтиёзлар тақдим этилган.

Хориж фонд майдонларида юзага келадиган котировкалар компаниянинг фаолият якунлари бўйича тузилган молиявий кўрсаткичлари ўзгаришларига жуда тез акс таъсир кўрсатади. Иқтисодий таҳлилчилар эса корхонанинг келгуси давр даромадларини башорат қилиш имкониятига эга бўладилар.

Хориж фонд майдонларида юзага келадиган котировкалар компаниянинг фаолият якунлари бўйича тузилган молиявий кўрсаткичлари ўзгаришларига жуда тез акс таъсир кўрсатади. Иқтисодий таҳлилчилар эса корхонанинг келгуси давр даромадларини башорат қилиш имкониятига эга бўладилар.

Бундай истиқбол миллий фонд бозорини ҳам кутмоқда. Давлат қонунчилиги ривожланиши билан шарт-шароитлар ҳам йил сайин ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, компаниялар зиммасига мавжуд ҳолатлар бўйича маълумотларни батафсил ёритиб

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти молиявий нуқтаи назардан таъминот учун хизмат қилади. Банклар томонидан кўрсатиладиган ҳамкорлик фонд бозорида молиявий инструментлардан фойдаланиш даражасини оширади. Банк капиталлашуви даражаси нафақат фонд бозори, балки молиявий соҳанинг ҳам барқарор фаолият юритиш кўрсаткичига айланмоқда. Банк таъминоти, шунингдек, ҳисоб-клиринг палатаси фаолияти билан ҳам амалга оширилади.

бориш вазифасини юклайди. 2018 йил март ойида биржанинг умумий айланмаси 23,4 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу давр мобайнида 425та биржа келишувлари амалга оширилган бўлиб, улар натижасида 24та эмитентнинг 38,5 млн. дона акция ва облигацияси сотувга чиқарилди. 2017 йил учун тармоқлар орасида энг кўп талабга эга бўлган акциялар молиявий хизматлар соҳаси (46,8 млрд. сўм ёки умумий биржа айланмасининг 53,4 фоизи), саноат (25,6 млрд. сўм ёки 29,3 фоиз) ва қишлоқ хўжалиги комплекси (6,8 млрд. сўм ёки 7,7 фоиз) корхоналарининг акциялари бўлди[2].

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти молиявий нуқтаи назардан таъминот учун хизмат қилади. Банклар томонидан кўрсатиладиган ҳамкорлик фонд бозорида молиявий инструментлардан фойдаланиш даражасини оширади. Банк капиталлашуви даражаси нафақат фонд бозори, балки молиявий соҳанинг ҳам барқарор фаолият юритиш кўрсаткичига айланмоқда. Банк таъминоти, шунингдек, ҳисоб-клиринг палатаси фаолияти билан ҳам амалга оширилади.

[2] *«Тошкент» РФБ расмий сайти маълумотлари (www.uzse.uz).*

ABSTRACTS

PROBLEMS IN THE ACTIVITY OF THE STOCK EXCHANGE IN UZBEKISTAN AND THE ROLE OF BANKS IN THE SECURITIES MARKET

During the years of independence, serious steps have been taken to create a national stock market due to reforms aimed at shaping a diversified economy. The author analyses the activities of the Republican Stock Exchange and professional market participants, the problems of development of the industry and makes suggestions to solve them.

ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДУНЁ: ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА БИЗНЕСНИ ҚАНДАЙ ОЛИБ БОРИШГА ОИД ОЛТИТА КИТОБ

Джон Зерацки, Брейден Ковитц, Джейк Кнаппларнинг «Спринт: Беш кун ичида қандай қилиб янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш мумкин» китоби («Спринт: Как разработать и протестировать новый продукт всего за пять дней»)

Янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг кўплаб усуллари мавжуд, аммо уларнинг барчаси вақт талаб этади. Шу сабабли Google «Спринт»ни ишлаб чиқди – бу усул сизга ҳар қандай ғояни атиги беш кун ичида синаб кўриш имконини беради. Китобда «Спринт» ҳақида гапирилган: бир иш ҳафтасида янги маҳсулотни қандай яратиш, уни потенциал истеъмолчиларда синаб кўриш, келажакда бизнес-стратегияни аниқлаш ва пайдо бўлиши мумкин бўлган барча хатарларни камайтириш.

Инқироз пайтида янги нарсаларни тезда яратиш учун «Спринт» усули ёрдам беради. Барқарор вақтларда ҳам фойдали бўлган бу китоб дизайн-фикрлаш усулидан қандай фойдаланишни кўрсатиб беради.

Итан Расиелнинг «McKinsey усули. Исталган муаммони қандай ҳал қилиш мумкин» китоби («Метод McKinsey. Как решить любую проблему»)

Дунёда McKinsey & Company каби таниқли, муваффақиятли ва оммабоп консалтинг корхонасини топиш қийин. Дунёнинг етакчи корпорациялари аксарияти унинг мижозлари ҳисобланади. Бу корхонадан кўплаб таниқли бизнес-раҳбарлар ва менежерлар чиққан. Улар орасида Том Питерс, Луис Герстнер, Йон Катценбах ва бошқалар бор. Бу китобда McKinsey корхонасининг узоқ вақт авайлаб сақлаган бошқарув усуллари ҳамда барча даражадаги менежерларга унинг маслаҳатчилари каби фикрлаш ва энг мураккаб бизнес-муаммоларнинг ечимларини топишга ёрдам берадиган воситалар кўрсатилган.



McKinsey корхонасининг бошқарув амалиётлари бўйича китоб. McKinsey маслаҳатчилари билан бир даражада бўлишга ва энг мураккаб муаммоларнинг ечимини топишга интиладиган менежерлар учун фойдали.

Китоб – кераксиз маълумотларнинг тўпланишига қарши самарали восита ҳамда кўпгина саволлар, ноаниқликлар пайдо бўлганда оқилона ва ишончли қарорларни қабул қилиш бўйича ўқув қўлланмасидир. Иқтисодий инқироз даврида бизнес юритиш пайтида ностандарт қадамлар қўйиш талаб этади. Қийин даврда қандай тадбиркор бўлиш кераклиги ҳақидаги китоблар тўпламини эътиборингизга ҳавола этамиз[1].

[1] *https://biz.liga.net/ekonomika/all/opinion/vyjit-pri-karantine-shest-knig-o-tom-kak-vesti-biznes-v-krizis.*

В. Чан Ким, Рене Моборнларнинг «Мовий океан стратегияси» китоби («Стратегия голубого океана»)



Чан Ким ва Моборн корхонани рақобатбардош стрессдан қандай олиб чиқиш ҳамда янги бизнес-моделни яратиш бўйича батафсил кўрсатмаларни таклиф этишди.

«Мовий океан стратегияси» – бу нафақат китоб, балки муваффақият фалсафасидир.

Мовий океанлар – бу янги бозорлар, у ерда рақобатчилар ҳали йўқ. Уларга биринчи бўлиб кирган корхона ўзгача имкониятларга эга бўлади. Агар корхонадаги ҳеч қандай ўзгаришлар ёрдам бермаса, сиз бундай бозорга рақобатчиларсиз киришга ҳаракат қилишингиз мумкин.

Ажабланарлиси, китобда тасвирланган ғоялар нафақат бизнес учун, балки нотижорат ташкилотлари, давлат сектори, ҳатто санъат учун ҳам мос келади.

Брэндон Уэбб ва Джон Дэвид Маннларнинг «Қўрқсанг ҳам, бажар» («Бояться, но делать»)

Бу китоб қўрқувни қандай енгиб ўтиш ҳақида эмас, балки унинг ёрдамида қандай қилиб янада бардам бўлиш ҳақида. Брэндон Уэбб – махсус қўшинларда хизмат қилган ва ҳозирда муваффақиятли тадбиркор, у қўрқув нималигини яхши билади. У ҳақиқатан ҳам хавфли вазиятларга кўп тушган ва қўрқувдан фойдаланишни ҳамда ундан қочмасликни ўрганган. Бу тажриба унинг ҳозирги ҳаётида ҳар бир дақиқани қадрлаб, муваффақиятли оммавий ахборот воситасини яратиш, болаларни тарбиялаш, бошқаларга ёрдам бериб яшашга ундади.

Уэбб қўрқувни бошқариш учун ҳаммага тушунарли бешта қадамни таклиф этмоқда: қарор қилиш, машқ, озод бўлиш, сакраш ҳамда сизга нима муҳимлигини тушуниш.

Сиз нимадан қўрқишингиздан қатъи назар – сузишни ўрганиш, янги иш бошлаш ёки қийин қарор қабул қилиш – қўрқув сизнинг душманингиз эмас, балки ёрдамчингиз бўлсин. Қўрқувни бошқарсангиз – ҳаётингизни бошқарасиз.

Герд Гигеренцернинг «Хавфларни тушуниш. Қандай қилиб тўғри йўналишни танлаш мумкин» китоби («Понимать риски. Как выбирать правильный курс»)

Хавфларни қабул қилиш қобилияти турли хил ҳаётий вазиятлар, қийинчиликларни муваффақиятли енгиб ўтишни истаганлар учун зарурдир. Бироқ муҳим қарорларни қабул қилаётганда биз кўпинча статистик маълумотлар билан ишлаймиз, уларнинг маъносини тушунмасак экспертлар – сиёсатчилар, молиявий маслаҳатчилар ва шифокорлар фикрига таянамиз. Лейкин улар хавфларни тўғри баҳоламасалар-чи? Шифокорлар тавсия этган даволаниш усули бўйича уларга тўғри саволлар бераётганимизга қандай ишонч ҳосил қилишимиз мумкин? Ушбу китоб бизга тақдим этилган маълумотлар тўлиқ бўлмаган ҳолатларни қандай қилиб пайқаб олиш ва бундай вазиятларда нима қилиш кераклигини кўрсатади. Унинг муаллифи Герд Гигеренцер биз дуч келадиган хавф-хатарларни нотўғри тушуниш сабабларини аниқлаб, ушбу мисолларни ҳар томонлама ўрганиб чиқди. У сизга оддий қоидалардан қандай фойдаланишингиз мумкинлигини кўрсатади, асоссиз қўрқув ёки умидлардан қутулишга ҳамда тўғри қарорларни қабул қилишга ёрдам беради.

Агарда Даниель Канеманнинг «Секин ўйла, тез қарор қил» («Думай медленно, решай быстро») китобини ўқиган бўлсангиз, унда бу китоб ҳам сиз учун қизиқ бўлади. У сизга яна бир ёндашувни – «тез ва тежамкор қарор қабул қилиш» йўлларини кўрсатади.

Джон Даймонднинг «Оч ва Камбағал киши! Сизда ҳеч нима йўқлиги, арзимаган пулингиз ва муваффақиятларга ўчлигингиз сизнинг асосий рақобатдош устунлигингиз бўлиши мумкин» («Голодный и Бедный! Как полный голяк, скудный бюджет и жажда успеха могут стать вашими главными конкурентными преимуществами»)

Сўнгги йигирма йил ичида Даймонд Джон камбағал оилада туғилган йигитдан подвалда ўтириб, футболкаларга этикеткалар тикиб, халқаро мода империясининг асосчисига айланди ва «Урбанлашув модасининг чўқинтирган отаси» унвонини олди.

Мода оламидаги муваффақиятларига қўшимча равишда Даймонд машҳур «Бизнес наҳанглари» («Акулы бизнеса») телекўрсатувининг юлдузи ҳамда брендинг бўйича энг тажрибали мутахассисларидан биридир, жумладан «Тернер Нетворкс», «Найк» каби машҳур корхоналар унга мурожаат қилишади.

Баланд мавқега эришиш учун нима қилиш керак? Ҳеч нарса! Даймонд Джон бир нарсага ишонч ҳосил қилдики, пул етишмаслиги ва умидсизлик инновацияларни яратади, камбағаллик одамларни муваффақият томонига янада ижодий ёндашиб, ишончли қадам босишга мажбур қилади.

Ушбу китоб рақобатда асосий афзалликларингизни кўрсатиб беради, қандай қилиб бюджетингиз йўқ бўлса ҳам миллиард долларга эга бўлишингиз, бошлашингиз учун бир нечта ғояларни таклиф этади ва ғалабага эришишга ишонтиради! Агар сиз ҳаётда ёлғиз қолган бўлсангиз ва банкдаги ҳисобингиз бўш бўлса, муваффақият – бу ягона йўлингиз!

Инновация бўлими томонидан тайёрланган.

ASAKA BANK
ASAKA MOBILE
– удобно и быстро!
09:49
ASAKA Mobile
UZCARD
HUMO
MASTERCARD
AZIZA
Основная карта
0 сум
Мониторинг
Перевод
Мобильные платежи
Лимиты
Погашение кредита
Разовый платеж
Карта
Платежи
Вклады
Конверсия
Кредиты
#uyda qoling!
1152
www.asakabank.uz
Услуги лицензированы
Скачайте мобильное приложение Asaka Mobile

Ф-ф 42682

NBU

ПРИЛОЖЕНИЕ «MILLIY» – БАНК В КАРМАНЕ УЖЕ РЕАЛЬНОСТЬ!



- *Оплата через QR-код*
- *NFC переводы с карты на карту (комиссия – 0,5%)*
- *Бесплатное онлайн-открытие виртуальных карт VISA*
- *Оплата кредитных задолженностей (комиссия – 0,5%)*
- *Онлайн-конверсия*
- *Онлайн-открытие вкладов*
- *Управление счетами*
- *Коммунальные платежи*
- *Электронный кошелек*

uznbu | nbu_official | @nbu.official | www.nbu.uz | 78 148 00 10

Услуги лицензированы